

# Оддий ибодатнинг

КУЧИ

Қандай қилиб Худо билан ҳамма  
нарсга ҳақида гаплашиш мумкин

Ҳаётимизни ўзгартирадиган ибодат



# ЖОЙС МАЙЕР

#1 Нью-Йорк Таймс журнали хулосасига кўра бозори чаққон китоблар муаллифи

## АЗИЗ ДЎСТИМ!

Сизга Жойс Майернинг  
«**Ҳаётимизни ўзгартирадиган ибодат**»  
китобини юбораётганимиздан мамнунмиз.  
Ибодат қудратли кучга эга. Ибодат – Худованд  
билан суҳбатлашиш воситаси ва У билан, яқин  
дўст сифатида, онгли равишдаги самимий  
мулоқот ҳисобланади.

Сиз ҳаётингиз ўзгаришини истайсизми?

Тўғри қарорларни қабул қилиш учун  
доноликка муҳтожмисиз?

Ёмон одатлардан халос бўлишга қийналаяпсизми?

Яқинларингиздан кимдир хавф остидами?

Буларнинг барчасини Худовандга ибодат вақтида  
айтинг ва У сизни эшитади, ҳамда ёрдам беради.

Худованд сиздан мураккаб, жумбоқли  
ибодатларни талаб қилмайди, аксинча сизнинг  
ибодатларингиз оддий, самимий бўлишини  
истайди, токи У билан мулоқот ҳаётингизнинг  
кўнгилли қисмига айлансин. Бу китоб, сизга  
ибодатда моҳир бўлишга ва Худованд билан  
суҳбатда роҳатланишга ёрдам беради.

**Диққат!** Илтимос, муаллифлик қонунига риоя  
қилинг. Ушбу китобнинг барча ҳуқуқлари  
халқаро муаллифлик қонунига биркирилган.

Китобнинг ва/ёки муқованинг мазмунидан  
муаллифнинг ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман  
фойдаланиш таъқиқланади.

**Сизга маҳсуддор ўқишни тилаб қоламиз!**



Оддий  
ибодатнинг



КУЧИ

Ҳаётимизни ўзгартирадиган ибодат

ЖОЙС МАЙЕР

**Ҳаётимизни ўзгартирадиган ибодат**

***Оддий ибодатнинг кучи***

Тўлиқ ҳажмдаги китобдан

© 2016, Жойс Майер

The Power of Simple Prayer

How to Talk with God about Everything

(Chapters 1-3)

**The Power of Simple Prayer**

**How to Talk with God about Everything**

***Prayer That Changes the Life***

Joyce Meyer

ISBN 978-0-446-58058-8

FaithWords

Hachette Book Group

237 Park Avenue

New York, NY 10017

Ушбу китобнинг барча ҳуқуқлари халқаро муаллифлик қонунига биркитилган. Китобнинг ва муқованинг мазмунидан муаллифнинг ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман фойдаланиш таъқиқланади.

## МУҲДАРИЖА

**Сўз боши**.....7

### **Биринчи боб**

Раббий, менга ўргатгин! ..... 13

### **Иккинчи боб**

Оддий имтиёз..... 49

### **Учинчи боб**

Ибодат нафас олишдек, оддийдир ..... 81



## СЎЗ БОШИ

Агар мендан: «Жойс, сенда ибодат ҳақида фақатгина битта ҳақиқатни айтиш имкони бўлганида, нима деган бўлардинг?», деб сўраганингизда, унинг оддийлиги ҳақида айтган бўлардим. Мен кўпинча ибодат ҳақида воизлик қиламан, бироқ бу мавзу бўйича биргина нарсани алоҳида ажратмоқчи бўлсам, одамларга ибодат улар ўйлагандан анча енгил эканини тушунтирган бўлар эдим.

Худованд мени ибодат қилишга ўргатишни бошлаганида, У бизлардан қийин бўлган ибодатларни кутмаётганини англаб, ҳайратда қолдим. Ибодат жуда ҳам оддий бўлиши мумкин. Баъзида одамлар ўрганиб олган жумбоқли жумлалар билан ибодат қиладилар; баъзида диний тафаккуримиз ва сигндирилган ақидалар туфайли, бизда ибодат қийин ва баландпарвоз нарса деган нотўғри тушунча пайдо бўлади. Мен Худо бизнинг ибодатларимиз енгил ва хурсандчилик олиб келадиган бўлишини истайди десам, алдамаган бўламан. Унга бизнинг ҳаққоний, самимий сўзларимиз керак. Худо бизнинг У билан муносабатларимиз қоидаларга, кўрсатмаларга,



урф-одатларга ва қарздорлик ҳиссига боғлиқ бўлишини истамайди. Худо ибодатни, ҳар кун у учун вақт ажратишимиз мумкин бўлган, ҳаётимизни табиий бир қисми ва жуда энгил машғулот сифатида ўйлаб топган.

Ибодат – бу Худо билан оддий гаплашиш ҳисобланади. Биз ҳар доим ва ҳамма жойда ибодат қилишимиз мумкин, ҳатта Худога қаратилган фикрларимиз ҳам сўзсиз ибодатга тенгдир.

Қисқа ва оддий ибодат улкан кучга эга бўлиши мумкин ва бу ибодат буюк илоҳийлик, деган ҳақиқатга зид эмас. Менинг фикримча, ибодатнинг буюк илоҳийлиги шундаки, у ерда яшайдиган одамларнинг юраклари билан самодаги Худовандни юрагини бирлаштиради. Ибодат ўзининг табиатига кўра, рухий ва инсон кўра олмайдиган реалликни очади. У кўринмас дунёдаги объекتلарни бизни ўраб турган дунёга ўтказди. Ибодат бизнинг кундалик ҳаётимизга рухий эзгуликларни олиб келади ва ердаги синовлардан ўтишимизга ёрдам берадиган куч билан таъминлайди. Одамлар – биз билган Борлиқдаги жисмоний дунёда яшаб туриб, шу билан бирга рухий дунёга киришга ҳуқуқли

ягона мавжудотдир. Биз ибодат қилганимизда Худо яшайдиган ва биз ўйлаганимизданда кўпроқ кундалик ҳаётимизга таъсир ўтказадиган руҳий воқелик билан бирлашамиз.

Худо бизни У билан суҳбатлашишга, руҳий воқеликларни ўрганишга ва уларни ҳаётга тадбиқ этишга чорлаяпти, бу эса фақат ибодат орқали имконлидир.

Ибодат Худога эшикларни очади ва бу эшиклар орқали, У бизнинг ҳаётимизга кириб келади ва ҳаракат қилишни бошлайди. Биз ибодат орқали Худо билан руҳий дунёда ҳамкорлик қилганимизда, руҳий воқеликдаги бор бўлган нарсаларни ўз ҳаётимизга, ер юзига, жамиятимизга, бошқа кишиларнинг ҳаётига олиб келамиз. Биз учун, самовий баракалар, Худонинг инъомлари, аллақачон тайёрлаб қўйилган. Агар ибодатда Худодан юқоридаги нарсалар ҳақида сўрамасак, улардан фойдалана олмаймиз. Кўринмас воқеликда, Худо биз учун жисмоний кўзимиз билан кўра олмайдиган ва инсоний онгимиз билан англай олмайдиган, кўпдан кўп хазиналарни сақламоқда ва кўпдан кўп мўъжизалар яратмоқда. Ваҳоланки, ибодатнинг шарофати билан буларнинг ҳаммасига эга бўли-

шимиз мумкин. Муқаддас Китобда ёзилган: «Худо Уни севганларга (Унга ҳурмат, эҳтиром кўрсатган, Унга бажонидил бўйсунадиган ва Ундан миннатдорлик билан баракаларни қабул қиладиганларга) кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, инсон юрагига ҳам келмаган нарсаларни тайёрлаб қўйган (яратган ва олишга ижозат берган)» (1 Коринфликларга 2:9).

Худо Ўз инъомларини бизнинг мурожаатимизга кўра беради. Ҳар қандай жойда, ҳар қандай вақтда, бошқанинг рухсатига муҳтож бўлмаган ҳолда, Унга қулай бўлган турли хил йўллар билан, ҳамма нарсага қодир бўлган Худо – ибодатда Ундан сўрашимизни истайди. У руҳий қонунларни йўлга қўйган ва Ўзи уларга риоя қилади: У ер юзида Ундан кимдир ибодатда сўрамаган нарсани амалга оширмайди.

Худо доимо Ўз халқига бир нарсани айтиб келган ва бизга ҳам бугун шу нарсани айтапти: «Мен ва сизлар – ҳамкормиз. Сизлар ҳозир – ердаги Менинг танамсизлар». Бунинг маъноси нимада? Биз Унинг танасимиз, ўзимизни «Масихнинг танаси», деб атаймиз. Ҳозир Исо Масихнинг жисмоний танаси йўқ, бироқ биз Унинг ердаги вакилларимиз ва

Унинг иродасини бажарувчиларимиз. Биз – Унинг оғзи, қўллари, оёқлари, юзимиз; биз Унинг табиатини акс эттирамиз, Унинг севгисини намоён қиламиз, Унинг кучини атрофдагиларга кўрсатамиз – мана, нима учун биз ибодат қилишимиз лозим. Бизнинг, ўзимиз ва бошқалар учун, донолик ва самовий хазиналарга қўлимиз етиши керак. Бизнинг ҳаётимизда ва атрофимиздагиларнинг ҳаётида Худованднинг режалари амалга ошиши учун, биз У билан биргаликда ҳаракат қилишимиз зарур.

Ушбу китобни ўқишга тушишдан аввал, Худодан сизни ибодат қилишга ўргатишини сўранг. Мен эса, китобда ёзилган нарсалар орқали, У сизнинг мурожаатингизга жавоб бериши учун ибодат қиламан. Ўқиш жараёнида, ибодатда қандай қилиб ўзингизни табиий тарзда тутишни ва Худо сизга берган нодир хислатларингизни сақлаб қолишни билиб оласиз. Сиз ибодат – мўъжизакор ва кўпларнинг тасаввуридагидан анча осон эканини англаб етасиз. Сиз ибодатда, қандай қилиб ортиқча қийинчиликлардан қочишни билиб оласиз ва ибодат белгиланган нормаларга мувофиқ бўлиши керак, ҳамда ибодат

белгиланган тарзда янграши керак деган онгингизга ёпишиб олган тушунчалардан фориғ бўласиз. Бундан ташқари, умид қиламанки, оддий ибодат сиз учун шу қадар табиий бўлиб қоладики, сиз уни бошқа ноиложлик, зарурият, деб қабул қилмайсиз, аксинча, ундан завқ олишни бошлайсиз.

Аминманки, сиз бу китобни кўлингизга олганингизни сабаби, ўз ибодатларингизни натижасини, сизнинг ва атрофингиздагиларнинг ҳаётида Худованднинг кучи ҳаракатланишини кўришни истайсиз. Ҳамда, Худованд билан суҳбатлашишдан баҳра олишни ва У билан муносабатларингизни ривожлантиришни хоҳлайсиз. Ишонинг, Худованд ҳам худди шуни истайди ва бунда сизга ёрдам беришни хоҳлайди. Янада самимийроқ, руҳлантирувчи ва натижали ибодатни ўрганиш йўлида, Раббий сизни марҳаматласин.

*Жойс Майер*

## БИРИНЧИ БОБ

### Раббий, менга ўргатгин!

Сизга савол бермоқчиман: сизнинг ибодатларингиз ниманидир ўзгартиришига ишонасизми? Сиз ибодат қилганингизда, Худованд сизни ҳақиқатдан ҳам эшитиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Ибодатни тугата туриб, у албатта, керакли бўлган натижани олиб келишига аминликни сезасизми? Қандай ибодат қилиш кераклигини аниқ айта оласизми? Ибодат орқали Худованд билан янада чуқурроқ ва ҳосилдор муносабатларга эришишни истайсизми?

Мен кўп жойларда бўлганман, турли ҳил одамлар билан суҳбатлаша туриб, аксарият кишиларда ҳақиқатдан ҳам ибодат қилиш хоҳишини кўрганман. Одамлар, Худо уларни эшитаётганини ва уларнинг ибодатлари самарага эга эканига амин бўлишни истайдилар. Уларда ибодат қилиш қобилиятларини ривожлантиришга, ўзи учун ва бошқалар учун қилган ибодатларининг унумдорлигига эришишга интилиш бор. Инсон ҳаётини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган энг муҳим ибо-

датлардан бири – бу Худога қаратилган ушбу сўзлар ҳисобланади: «Раббий, менга ибодат қилишни ўргатгин». «Менга ибодат қилишни ўргатгин» эмас, балки «менга ибодат қилишни ўргатгин», чунки ибодат ҳақида шунчаки ниманидир билиш камлик қилади. Ибодатда ўзига хосликни топиб олиш муҳимдир, модомики, ҳар биримиз – Худованд билан яқин муносабатларда турган ноёб шахслармиз. Ибодатнинг айрим оммабоп қоидалари мавжуд бўлса-да, биз ҳаммамиз бир-биримиздан фарқ қиламиз ва Худованд ҳар биримизни ўзига хос тарзда бошқаради. Мен кўпинча, ибодат ҳақидаги семинарларга қатнашганидан кейин, бошқаларнинг тажрибасини ўзимни шахсий ибодатларимда қўллаб кўрганман. Оқибатда, Худода мен учун ўзига хос режа борлигини ва У билан суҳбат қуришдаги самара келтирадиган йўлни Унинг Ўзи кўрсатишини англаб етдим. Аслида, мендан талаб қилинган ягона нарса, - бу Ундан сўраш эди: «Раббий, менга ибодат қилишни ўргатгин».

Аминманки, аксарият кишилар, икки минг йил илгари ҳам Исо Масихнинг шогирдларини қизиқтирган саволни берадилар: «Раббий, бизга ибодат қилишни ўргатгин» (Луқо 11:1).

Улар, Исо Масиҳнинг ёнида бўлган, кўп суҳбат қурган, Уни тинглаган, Ундан ўрганган, Унинг яратган мўъжизаларини гувоҳи бўлган бўлсалар-да, уларга ибодат ҳақида йўлланмалар керак эди. Шогирдлари биргаликда Исо Масиҳнинг олдига келдилар ва Ундан уларга ибодат қилишни ўргатишини сўрадилар. Мен ҳам шундай илтимос билан Худога мурожаат қилдим ва ибодат ҳақидаги менинг тасаввуримни ағдар-тўнтар қилиб, унга бўлган муносабатимни батамом ўзгартирган жавобни олдим.

Мана, ушбу ўзгаришлардан айримлари:

- Мен ҳаяжонли ибодатлардан (ваҳимага тушган пайтлари қилинадиган; онгим, иродам ёки ҳиссиётларим билан буюрилган) Рух билан тўлган, Рух билан бошқариладиган, имонга асосланган ибодатларга ўтдим.
- Шундан кейин, мен ташқи ҳаётим (ҳаётимдаги воқеалар, ўзимнинг фаолиятим ва содир бўладиган вазиятлар) ҳақида ибодат қилишни тўхтатдим, балки ички ҳаётим (ички ҳолатим, руҳий ўсишим, йўналишим ва ниётларим) учун ибодат қиламан. Худо менга ибодат қилишни ўргатиб боргани сари, менинг вазифам – ички куч учун, У менга пок юрак ва



тўғри ниятлар бериши учун ибодат қилиш эканини яхшироқ англай бошладим. Унинг вазифаси эса – ташқи вазиятларда гамхўрлик қилиш.

- Илгари, ўзимни ҳеч қурса, бир неча кунда бир марта беш дақиқа ибодат қилишга мажбурлар эдим, энди эса ибодатдан чексиз хурсандчилик оламан ва унга муҳтожлигимни ҳис этаман. Ҳар бир кунимни ибодат билан бошлайман, кейин эса, бутун кун давомида эсимга тушган ҳар хил нарсалар учун ибодат қиламан ва уйқу олдидан, яна Раббий билан суҳбат қураман.
- Бундан олдин, мен гоҳ-гоҳида ибодат қилар эдим, ҳозир менинг ибодатларим доимий бўлган, шундай бўлишига қарамай, улар расмий мажбуриятга айланиб қолгани йўқ.
- Қачондир мен, ибодат – бу Худо қаршисидаги бизнинг қарзимиз, деб ўйлар эдим, энди эса, агар ибодат қилмасам бир кун ҳам яшай олмаслигимни ва ибодатсиз ўзимни бахтиёр ҳис этмаслигимни тушуниб етдим. Ибодат – бу қарз эмас, ваҳоланки имтиёз.
- Мен Худога мурожаат қила туриб, қўрқувни ҳис этмаймай, ҳамда У менинг ибодатларимни эшитиши ва уларга жавоб беришига шубҳаланмайман. Унинг Сўзи ўргатганидек, Унинг

*олдига дадиллик билан келаман ва бу ҳолат янада яхшироқ тус олишига ишонаман.*

Худодан сизни ибодат қилишни ўргатишни сўранг ва мен ишонаман, ўзгаришларни кўп кутиб қолмайсиз. Сизнинг ибодатларингиз янада самарали бўлади, улар озодлик, шодлик ҳиссини келтиришни бошлайди, Худо билан муносабатларингиз эса чуқур ва ҳосилдор бўлади.

Сизлар билан Муқаддас Ёзувдаги маълумотни бўлишаман, шу қаторда Худованд сизларни ўзига хослигингиз ва ҳаётингиздаги вазиятларни ҳисобга олган ҳолда, шу сўзни ҳаётга тадбиқ этишингизда ёрдам беради. Масалан, тўртта кичик болаларнинг онаси, ўз кунини бир соатлик ибодат билан бошлай олмайди, чунки уни кейинга қолдириб бўлмайдиган мажбуриятлари бор. Унинг бу даври узоққа чўзилмайди ва Худо унинг шароитини ҳисобга олиб, унга қандай ва қанча вақт ибодат қилишни айтади. Жумладан, у кунини қисқа ибодат билан бошлаши ва кун давомида ибодат қилиши мумкин. Уйда кичик болалари йўқ бўлган аёл эса, ўз вақтини эркинроқ режалаштира олиши мумкин.

Ёдимда бор, бир марта ибодатга бағишланган семинарга бордим. У ерда бир ёши катта аёл узоқ йиллардан бери ҳар куни соат бешдан тўққизгача ибодат қилиши ҳақида айтиб берди. Уша пайтларда, мен Худо ҳар биримизни ҳар хил қобилиятлар билан таъминлашини ҳали тушунмас эдим, шунинг учун уша аёлдан намуна олишга қатъий қарор қилиб, уйга қайтдим. Биринчи кундан, ўн беш дақиқа ибодат қилмасдан, чарчаб кетдим ва уйқум кела бошлади. Бу тажриба, мени ибодат қилиш қобилиятимни бошқаники билан солиштирмасликка ишонтирди. Биз ҳаммамиз ўзгача яратилганмиз ва Худовандда ҳар биримиз учун ўзига хос режалар бор. Муқаддас Китобда Худо ҳар биримизга у ёки бу ишда иноят бериши ҳақида ёзилган. Худованд ўша аёлга кунига бир неча соатлаб ибодат қилиш учун иноят берган. Менга келсак, Худованд, мен турли хил руҳий мавзуларни синчиклаб ўрганиб чиқишим ва Унинг Шоҳлигида ўқитувчи бўлишим учун иноят берган. Мен сизга, ўз хусусиятингизни йўқотманг ва бошқалардан нусха кўчирманг, деб маслаҳат бераман.

## *Ўзига хос усул*

Рухий ҳаётимизнинг мутлақо ҳамма соҳалари бизнинг Худога бўлган имонимиз ва У билан шахсий муносабатларимизга боғлиқ. Исо Масиҳ хочда ўлиб, бизга Самовий Отага келишимиз учун эркин йўл очиб берди, бизнинг имонимиз эса, У билан яқин муносабатларни ривожлантиришга замин яратади.

Яқинда Каломдаги Эфесликларга мактуби 3:12 да ёзилган матнни қайта-қайта ўқиб чиқдим: «Биз Исо Масиҳда, Унга бўлган имонимиз орқали Худо ҳузурига ишонч билан яқинлашиш имконига (Унга тўсиқсиз ва қўрқмасдан яқинлашиш ҳуқуқига) ва дадилликка (журъат ва аминлик) эгамиз». Мен бу матн устида фикр юритдим ва биз, оддий фоний одамлар, ибодат орқали ҳар қандай вақтда, тўғридан-тўғри Худонинг олдига келиш имкони борлигидан руҳланишни ҳис этдим. Унинг олдига, дадиллик билан шак-шубҳасиз, қўрқмасдан, мутлақо эркин бўлиб кела олишимиз мумкин. Бу ажойиб эмасми? Худога бўлган имонимиз, Ундан келадиган барака ва ёрдам учун эшикларни очади.

Мен эндигина ибодат қилиш маҳоратини ўргана бошлаган пайтимда, узоқ йиллардан

бери миллионлаб имонлиларни ибодат қилишга ўргатиб келаётган бир ажойиб китоб қўлимга тушди. Эндрю Мюррей, ўзининг классикага айланган «Масих билан ибодат мактабида», деган ишида шундай деб ёзади: «Ҳеч бир киши Исо Масихдек ўргата олмайди, шунинг учун биз унга ёлворамиз: «Раббий, бизга ибодат қилишни ўргатгин!» Ўқувчига, ўз ишининг устаси, ўқита олиш қобилиятига эга бўлган, сабр ва севги билан шогирдни муҳтожликларига марҳамат қиладиган ўқитувчи керак. Раббийни исми улуғ бўлсин! Исо Масихда буларнинг ҳаммаси бор ва ортиғи билан... Исо Масихга бизга ибодат қилишни ўргатиш ёқади». Сиз қандай ибодат қилиш кераклиги ҳақида бошингизни қотириб ўтирманг, балки Ундан сизга ўргатишини сўранг.

Исо Масих бизларга нафақат жамоат ва Масихни танаси сифатида, балки ҳар бир кишига алоҳида ибодат қилишни ўргатади. У бизларни қандай бўлсак, шундайлигимизча қабул қилади, шунингдек, Худо билан муносабатларимизни ривожлантиришда яхшироқ тарзда ёрдам берадиган тартибда ибодат қилишни ва ўзимизни шахсий услубимизни йўлга қўйишни тушунишга ёрдам беради. У

ибодатларимиз биз учун табиий, осон ва У билан суҳбатда, ҳосилдор восита бўлишини истайди, токи бизни безовта қилаётган ҳамма нарса ҳақида У билан бўлишайлик ва Уни безовта қилаётган нарсаларга қулоқ тутайлик. Ибодат жуда оддий ва Худо билан суҳбатдан бошқа нарса эмас. Ибодат фақатгина бизни гапимиз бўлибгина қолмай, у Худони бизга гапиришини ҳам назарда тутати.

Биз янада яхшироқ ибодат қилишимиз ва ҳаммамизга ҳар хил маслаҳат бериш учун, Худо жуда катта ижодий имкониятларга эга. У ҳар бир кишига ўзига хос ёндошади. У бизларни алоҳида шахслар қилиб яратди ва бизнинг бошқалардан ажратиб турадиган ўзига хослигимиз, Унга ёқади. Ҳамма имонлиларга бирдек мос келадиган ибодатнинг қоидалари мавжуд, бироқ Худо ушбу қоидаларни ҳаммага алоҳида ўргатади. Биз ҳаммамиз Худо билан муносабатлар йўлида турли манзиллардамиз, ҳаммамизни руҳий етуклигимизнинг даражаси ҳар хил ва ибодатдаги тажрибамиз бир-биримизникидан фарқ қилади. Ибодатнинг қоидаларини ўргана туриб, биз нафақат ибодат қилиш ҳақидаги билимларни ўзимизга сингдиришимиз керак, балки Раббийдан

сўраш ҳам керак: «Бу қоидаларни ҳаётимда, менга керак бўлган вазиятларда қўллашни ўргатгин. Айнан шу қоидалар менинг ҳаётимда қандай ҳаракат қилишни кўрсатгин. Худованд, мен фақат Сенга умид қиламан ва менга ибодат қилишни ўргатишингга, ибодатда самарали бўлишга ва Сен билан чуқур муносабатларга эришишимга ишонаман».

### *Ўзингизни ноёблигингиздан уялманг*

Модомики, Худо барчамизни У билан шахсий муносабатлар қуришимизни истар экан, ибодатда ҳам ҳар биримиз Унинг олдида алоҳида шахс сифатида келамиз. Ҳатто, биргаликдаги ибодатларда ҳам, биз ўзимизга хослигимизни йўқотмаймиз, аксинча кучимизни бир жойга йиғамиз ва умумий овозимизни Худога йўналтирамиз. Мен аминман, бундай ибодатларда Худо биздан бирдамликни истайди, бир хил таърифни эмас. «Раббий, бизларга ибодат қилишни ўргатгин», деганимизда, бизга кўпроқ мос келадиган ва бизнинг ноёб хислатларимизни яхшироқ очиб берадиган услубни кўрсатишини сўраймиз. Ибодат қилишни бошлай туриб, биз

Ўзимизга хослигимиздан воз кечмаслигимиз лозим. Ўзлигингизча қолинг ва Худога, Ўзи яратган ҳаққоний сиз билан суҳбат қуриб завқланишга имкон беринг. Биз ўзимизни кучли, заиф, ноёб хислатларимиз ва бу дунёдаги одамлардан бизни ажратиб турадиган бирор нарсамиздан ҳам уялмаслигимиз керак. Биз йўлимизнинг қайси босқичида бўлмайлик, Худога биз билан суҳбатлашиш, шахсий муносабатларни ривожлантириш ёқади. У бизнинг ўсишимизда ва белгиланган тарзда шаклланишимизда ёрдам беради.

Забур Китоби 32:15 да шундай дейилган: «У уларнинг барчаларининг юракларини яратган ва уларнинг барча ишларини англаб етади». *Модомики, Худо ҳар бир юракни ноёб қилиб яратган экан, ибодат ҳам юрагимизнинг тубидан табиий тарзда оқиб чиқиши ва Худо ҳар биримизга жойлаган нарсани акс эттириши лозим.* Худо билан ўзига хос суҳбат усулини ривожлантирганимиз сари, биздан тажрибалироқ одамлардан ўрганиб боришимиз мумкин, аммо уларни тақлид қилиш учун нусха қилиб олмаслигимиз муҳим. Мен ўзимнинг тажрибамни кўпларга айтишим мумкин, шундай бўлсада, мен улар учун, доимо Исо Масиҳ намуна бўлишини ис-



тайман. Бошқалар фойдаланаётган усуллардан айримларини ўзимизга қўлланма қилиб олишнинг ва улардан ўз ибодатларимизда фойдаланишнинг ёмон томони йўқ, агарда буни Худонинг Руҳи хоҳласа. Аммо улар сизнинг ички ҳолатингиз билан мос келмаса ҳам, бошқаларнинг орқасидан ниманидир мажбуран такрорлаш, нотўғри бўлади. Бошқалар билан беллашманг ва уларнинг ибодат услубини кўчиришга уринманг. Ҳар сафар ибодат вақтида, билиб олган қоидаларингизни биттама-битта қўллашга мажбурман, деб ўйламанг.

Аксарият кишилар бошқалардан ажралиб туришдан кўрқадилар. Кўпчиликка расмий тартибга риоя қилиш анча қулай ҳисобланади. Агар одамлар ўйлаб топган қоидаларига риоя қилсак, биз уларнинг кўнглини топишга уринган бўламиз. Агарда Худонинг кўнглини топмоқчи бўлсак, биз имон қаддини қўйишимиз ва Унинг Руҳига эргашишни бошлашимиз зарур. Биз фақатгина бошқаларга тақлид қилиб, белгиланган тарзда, белгиланган вақтда, белгиланган мавзуларда ибодат қилишга мажбурмиз, деб ўйламастимиз керак. Биз, ибодатда ўзимизга хослигимизни намоён қилишда ва Худо ҳаммага

алоҳида бераётган йўл-йўригининг изидан боришда эркинликка эгамиз.

Баъзида, биз бошқалардан ажралиб турмаганимизда, ўзимизни анча хотиржам ҳис этамиз. Қайиғимизни қирғоқдан ечиб олмагунимизча ва бизларни мўлжалга олиб борадиган Худонинг Руҳига ишониб, очиқ океанга юз тутмагунимизча, биз ҳаққоний мамнунликни ҳис эта олмаймиз. Мабодо, ҳаётимизни ўзимиз бошқаришга уринсак, бунинг охири нима билан тугадини фаҳмлашимиз мумкин. Агарда, Худонинг Руҳига бизларни йўналтиришига рухсат берсак, унда бизни жуда кўп кутилмаган совғалар кутиб турибди. Ўзлигингизча қолаверинг ва бошқаларга ўхшамаслигингиз учун ўзингизни айбламанг.

Менинг хўжайиним Дэйв тўхтовсиз ва кучли иштиёқ билан Қўшма Штатлар учун ибодат қилади. Мен, аксарият ҳолларда, Худонинг фарзандлари руҳий ўсиши учун ибодат қилиш кераклигини сезаман. Бундан ташқари, мен доимо камбағал ва қийналган одамлар тўғрисида ўйлайман, ҳамда улар учун кўп ибодатларимни бағишлайман. Мен, аборт мавзуси ташвишлантирадиган ва бу тўғрисида кўп ибодат қиладиган кишиларни

биламан. Мана, мен нимани уқтириб ўтмоқчиман: Худованд ҳаммани ҳар хил мавзуда ибодат қилишга ундайди, токи ҳеч нарса эътибордан четда қолмасин. Ҳеч ким кунига ҳамма нарса учун ибодатда бўла олмайди. Биз Худодан сўрасак, Унинг Руҳи ҳаммамизга нималар учун сўрашни айтиб туради.

Ҳозир сизлар билан бўлишадиган нарсаларни ҳаммасини билиб олмагунимча, мен кўп йиллар қийналганман. Сиз ҳам мендек қийналмаслигингни хоҳлардим. Менинг қайғули тажрибам сизларга дарс бўлсин. Ҳозирнинг ўзида, Исо Масиҳдан, ноёблигингни ҳисобга олиб, сизга шахсан ибодат қилишни ўргатишни сўранг. Ўйлайманки, хилма-хиллик – сиз қилаётган ишларнинг ҳаммасида, шу жумладан ибодатда ҳам қувонч топиш учун калитдир. Худонинг Руҳи сизларни бошқарсин ва шахсий вазиятларингизда ибодатнинг турли хил қоидаларини қўллашни ўргатсин.

### ***Муваффақиятли ибодатнинг калити***

Менинг нуқтаи назаримда, самарали ибодатнинг энг муҳим калити – бу Худога Унинг

дўсти сифатида мурожаат қилиш. Худованд сизда Ўзининг дўстини кўришига ишонинг ва қаршингизда ажойиб имкониятлар очилади. Сизда эркинлик ва дадиллик пайдо бўлади, бу эса натижали ибодатнинг муқаррар шартидир.

Агарда биз, Худога ўз дўстимиздек муносабат қилмасак ва У ҳам бизларни дўслари, деб ҳисоблашига амин бўлмасак, унда қандай қилиб Унга ўз муҳтожликларимизни айта оламиз ёки Ундан ниманидир сўрай оламиз? Худованд билан расман ва совуқ муносабатлар – диний фарз юзасидан айтилган жонсиз ибодатларнинг натижаси ҳисобланади. Унга бўлган ҳурматимизни сақлаган ҳолда, Унинг қаршисига ўз дўстимиздек келсак, ибодатларимиз доимо самимий, қувончли ва руҳлантирувчи бўлади.

Ҳаққоний дўстлик фақатгина ўзаро севги бор жойда имконлидир. Дўстингиз доимо сиз томонда эканини, ёрдамга тайёрлигини, сизга далда беришини, сизни қизиқишларингиз учун ғамхўрлик қилишини билиб турасиз. Дўст – бу сиз қадрлайдиган шахс, ўртоқ, ҳамкор, сизга яқин инсон; сиз кўпроқ вақт ўтказишни истайдиган шахс, у билан суҳбатлашиш сизга ёқади. Сиз инсонлардан дўст орттириш мақсадида, уларга вақтингизни бағиш-

лашни, ҳаётингизда содир бўлаётган ҳамма нарсалар билан бўлишишни бошлайсиз.

Худованд билан муносабатларни йўлга қўйиш, одамлар билан муносабат қуришни эслатади. Бунинг учун вақт талаб этилади. *Сиз ўзингиз истаган даражада Худованд билан яқин бўла оласиз; ҳаммаси, сиз муносабатлар ривожланиши учун қанча вақт ажратишга тайёрлигингизга боғлиқ.* Мен сизларни ибодат учун вақт ажратиш ва Каломни ўрганиш йўли билан Уни тобора яхшироқ таниб-билишга чорлайман. Сизнинг Худованд билан дўстлигингиз, У билан доимий суҳбат қурган сайин ривожланиб ва мустақамланиб боради, ҳамда ҳар дафъа, Унинг содиқлигига амин бўлиб борасиз. Худованд ва одамлар билан дўстона муносабат қуришнинг орасидаги фарқ шундаки, Худованд – бу баркамол дўст. У ҳеч қачон сизни ташлаб кетмайди ва доғда қолдирмайди. У содиқ, ишончли, севувчи ва ҳамма нарсани кечирувчидир.

Худованд билан чуқур ва мустақам муносабатларни ривожлантириб боришни ўзингизга олий мақсад қилиб олинг ва У ҳар куни, барча ишларингизда бевосита иштирок этсин. Оддий ибодатдан бошланг – У билан суҳбат-

лашинг, ўз ишларингизни бошлашдан аввал У билан фикрларингизни бўлишинг. Худованд сизнинг ўйловларингиз, гап-сўзларингиз, кундалик ишларингизнинг бир қисмига айлансиз. Унинг олдига фақат оғир пайтлардагина келманг. Маркетда харид қилаётганда, машинада кетаётганда, сочларингизни тараётганда, итингиз билан сайр қилаётганда ёки кечлик тайёрлаётганда У билан гаплашинг. Унга ўз дўстингиз ёки ҳамкорингиздек муносабатда бўлинг ва Худосиз ҳеч нарса қилманг. У ҳаётингизда иштирок этишни, ўта даражада, хоҳлайди. Худованд билан суҳбатингизни фақат якшанба йиғинлари билан чеклаб қўйманг, аксинча У душанба, сешанба, чоршанба, жума, шанба ва якшанба кунлари тўлиқ ёнингизда бўлишига замин яратинг. Ҳаётингизни атиги, диний соҳасинигина Унга бағишламанг, чунки У ҳаётингизни бутунлигича тўлдиришни ва сиз билан дўст бўлишни истайди.

## *Иброҳим*

Назаримда, Муқаддас Китобнинг саҳифаларида Иброҳимдан бошқа киши бунчалик кўп марта Худонинг дўсти, деб аталмаган.

Ишаёе китоби 41:8 да Худованд Иброҳимни Ўзининг дўсти, деб атаяпти. Ёқубнинг мактуби 2:23 да шундай дейилган: «У Худонинг дўсти деб аталди». Эски Аҳдда шоҳ Иосафат Худога мурожаат қилиб, «Иброҳим Сенинг дўстинг» деб эслатаяпти (2 Йилнома 20:7). Довуд Худонинг юрагига хуш келган инсон, Юҳанно эса – Исо Масиҳнинг севикли шогирди, деб аталган бир пайтда, Иброҳим бир неча марта Худонинг дўсти, деб аталишга сазовор бўлди.

Худованд Садўм ва Ғамўрада яшайдиган бетавфиқ одамларнинг устидан ҳукм ўтказишга қарор қилган пайтида, У Ўз режаларини Иброҳим билан бўлишди. Бу ҳақда Ибтидо китобининг 18:17 да ўқиймиз: «Қиладиган ишимни Иброҳимдан (дўстим ва қулимдан) яшираманми?» Худованд нима учун шундай йўл тутди? Чунки улар дўст эдилар.

Одатда дўстлар ўз режалари ҳақида бир-бирлари билан бўлишадилар. Эслаб кўринг, дўстларингиздан кимдир неча марта сиздан сўраган: «Бугун нима билан банд бўласан?» – сиз эса, жумладан, шундай деб жавоб бергансиз: «Эрталаб маркетга бораман, кечга эса озгина футбол ўйнайман». Ёки сиз, неча марта, дўстингиздан сўраган-

сиз: «Кейинги ҳафта режаларинг қанақа?»– у эса сизга жавоб берган: «Сешанба куни шифокорнинг қабулига ёзилганман, пайшанба куни йиғилишим бор. Балки чоршанба куни биргаликда тушлик қилармиз?»

Худованд Иброҳимни Ўзининг дўсти, деб ҳисоблаган экан, демак, сиз режаларингиз ҳақида дўстингизга айтганингиздек, У ҳам амалга оширмоқчи бўлган ишларини Иброҳимга айтиб турган. Ҳикматлар китоби 3:6 да айтилганки, бизлар Худони ҳар битта йўлларимизда таниб-билайлик ва шунда У бизнинг қадамларимизни йўналтиради. «Таниб-билиш» жумласи қуйидаги маъноларни англатади: «тан олиш, ҳурмат қилиш, миннатдор бўлиш, инобатга олиш». Худованд бизнинг режаларимиз тўғрисида нимани ўйлаётганини инобатга олишимиз керак, ахир биз доим яқин дўстимизни фикрини ҳисобга оламиз. Биз, У билан, ихтиёрий равишда, турли хил мавзуларда суҳбатлашишимиз лозим – худди буни турмуш ўртоғингиз ёки дўстингиз билан қилгандек.

Садўм ва Ғамўранинг вайрон бўлиши ҳақидаги таҳдидни эшитиб, Иброҳим «бориб айтди: Наҳотки Сен ҳақ одамни бетавфиқ билан бирга ҳалок қиласан?» (Ибтидо 18:23). Худо-



ванд Ўз режаларини Иброҳимга айтди, чунки улар дўст эдилар. Иброҳим Худонинг олдига «борди» ва Унинг режалари тўғри эканига шубҳаланди, чунки улар дўст эдилар. Уларнинг муносабатлари яқин эди ва улар ҳамма нарса ҳақида очик ва самимий айта олар эдилар. Иброҳим Қудратли Худо билан дўстона муносабатларга эга эканига шу қадар ишонар эдики, ҳатто Унинг ниятини шубҳа остига қўйишга ҳам ҳадди сиғди. Бу мустаҳкам ва ишончли муносабатларнинг кўрсаткичи эмасми?

Бу воқеа Ибтидо китоби 18:17-33 да ёзилган ва сиз бу воқеа нима билан туташини биласиз, деб ўйлайман: Худованд ва Иброҳимнинг диалоги давом этди. Иброҳим Садўм ва Ғамўра учун ибодат ва шафоат қилди. У гуноҳкорлар лойиқ бўлган жазодан ҳақ кишилар ҳам азоб чекмасин деб, Худодан бетавфиқ шаҳарларни устидан Ўз ҳукмини бекор қилишини ёлворди. Мабодо, у жойда элликта ҳақ киши топилса, Худодан бу шаҳарларни йўқ қилмаслигини сўради, лекин бунча ҳақ киши топилмаслигини ўзи ҳам билиб турар эди. Худога яна бир қанча вариантларни санаб ўтиб, ниҳоят, Ундан ўнта ҳақ киши учун шаҳарларни сақлаб қо-

лишини илтимос қилди ва Худо рози бўлди. Нима учун Иброҳим шунга ўхшаш дадиллик билан шафоат қила олди? Негаки, у Худо – унинг дўсти эканини билган ва дўст сифатида Унга мурожаат қилган.

## Сиз

Худо, Иброҳим билан Ўз режалари тўғрисида бўлишгандек, сиз ҳам агар Унинг дўстига айлансангиз, У сизга Ўзининг режаларини, хисларини, хоҳишларини, мақсадларини, ниятларини очади. У сизга ҳаётингиздаги содир бўлаётган нарсаларни тубига етишга ёрдам беради ва қандай йўл тутиш кераклигини кўрсатади. У сизни йўналтиради, ҳамда сизни келажакда содир бўладиган нарсаларга тайёрлайди. Борди-ю, Худо билан дўстлашиб олсангиз, бирорта ҳам вазият сизни ғафлатда қолдирмайди. Сиз ҳар вақт хабардор ва тайёр бўласиз, чунки сиз Раббийнинг Ўзи билан дўстсиз. У сизга хоҳлаган нарсангизни, сиз хоҳлаган вақтда очиб беравермаслиги мумкин, аммо сабр-тоқат қилсангиз ва Унга ишонсангиз, У сизга керак бўлган нарсаларни албатта англатади.

Ҳойнаҳой, сизни: «Қандай қилиб Худованднинг дўсти бўлишим мумкин?» деган савол қизиқтираётган бўлса керак. Гап шундаки, Юҳанно Хушхабари 15:15 да, сиз аллақачон Унинг дўсти эканингиз ёзилган. Ушбу оятда Исо Масиҳ Ўзининг шогирдларига қарата деяпти: «Мен сизларни дўстларим, деб атадим...». Агарда сиз Исо Масиҳнинг ордидан бораётган бўлсангиз, сиз Унинг шогирдисиз, демак дўсти ҳамсиз. Ким билан оддий таниш бўлиш мумкин, ёки яқин ва мустаҳкам дўстона муносабатларга эга бўлиш мумкин. Сизнинг Худованд билан дўстлигингиз, худди инсонлар ўртасидаги дўстликка ўхшаб, ривожланиб, мустаҳкамланиб боради. Худо билан муносабатлар ҳам, худди инсонлар билан бўлгандек, вақт ва кучни талаб қилади.

Худо билан чуқур ва ишончли муносабатлар қуришнинг энг муҳим шартларидан бири – бу доимо Унга бўйсунушга тайёр бўлиш. Юрагимиз пок, Унинг бошқарувига мойил ва Унга бўйсунувчан бўлса, У билан дўстона муносабатлар қуриш имконияти сезиларли даражада ошади. Ҳеч ким биздан ҳар доим тўғри ҳаракат қилишни ва бекам-кўст бўлишни талаб қилаётган эмас. Мен

таъкидлаб ўтмоқчи бўлганим, биз атайин итоатсизликни кўрсатмаслигимиз, норозилик билдирмаслигимиз, қайсарлик қилмаслигимиз ёки бизга қўл келиб қолар, деб ҳамиша Худони синайвермаслигимиз керак. Биз Унинг қизиқишларини атайин ўзимизникидан устун қўйишимиз лозим, ваҳоланки, биз Уни севамиз ва Унга дўст сифатида ишонамиз. У бизларга доимо яхшиликни ишташига шубҳаланмаслигимиз муҳим.

Худо билан дўстона муносабатларни қураар экансиз, ёдингизда бўлсин, сизнинг У билан дўстлигингиз У сизга берадиган нарсаларда эмас, Унинг Ким эканида қурилади. Ундан совғаларни эмас, У билан вақт ўтказишни изланг; Унинг барака берадиган қўлини эмас, Унинг юзини изланг. Агарда биз Унинг шахсиятига эмас, балки Худо билан дўстликдан келадиган имтиёзларга урғу берадиган бўлсак, бу У билан тирик, мукамал муносабатлар учун жиддий тўсқинлик бўлиши мумкин. Кимдир биз билан фойда кўриш мақсадида дўстлашса, бизга ҳам ёқмайди. Бизнинг шахсиятимиз жалб қилгани учун, одамлар биз билан дўстлашса, бу бизга анча хуш келади. Худованд билан ҳам худди шундай.

## *Дўстлик бизга жасорат қўшади*

Худованд билан дўстликнинг муҳимлигини англаганимизда ва ўзимизни Унинг дўсти, деб қабул қилганимизда, борган сари Муқаддас Рухнинг овозига қулоқ солишни бошлаймиз, ибодатларимиз эса, имон ва дадиллик билан тўлган бўлади. Луқо баён этган Хушхабарнинг 11 бобида Исо Масих издошларига тўғри ибодат қилишни ва «Раббийнинг ибодатини» айтишни ўргатган. Бундан сал ўтмай, У ибодат дарсига мисол тариқасида бир воқеани айтиб берди. Мана ўша воқеа: «Фараз қилайлик, орангизда бир кишининг дўсти бўлиб, ярим кечада унинг олдига келиб, унга дейди: «Дўстим, менга учта нон қарз бергин; менинг бир дўстим йўл-йўлакай меникига кирибди ва унинг олдига қўядиган ҳеч нарсам йўқ». У эса ичкаридан жавоб бериб дейди: «Мени овора қилма. Эшик қулфлаб қўйилган, болаларим мен билан бирга тўшақда. Шунинг учун ўрнимдан туриб сенга бера олмайман». Сизларга айтаманки, агар ўз дўсти бўлгани учун ҳам туриб унга бермаса, унда унинг чекинмаслиги туфайли туриб, қанча сўраса, унга шунча беради» (Луқо 11:5-8).

Эътибор беринг, нон сўраётган киши ўзининг истиҳоласиз ўжарлиги ва қатъиятлиги туфайлигина мақсадига эришди. Биз фақат дўстлар билан истиҳоласиз ўзимизникида туриб оламиз, чунки дўстлик бизга жасорат ва қатъийликни беради. Бизнинг одамлар билан дўстона муносабатларимиз чуқур ва мустаҳкам бўлган сари, ўша кишига нисбатан дадил бўлиб бораверамиз. Ибронийларга мактубда, Худо муаллифнинг оғзи билан бизларни чорлаяпти: «Раҳм-шавқат ва зарурий ёрдам олишга иноят топишимиз учун иноят тахтига жасорат билан яқинлашайлик» (Ибр 4:16).

Биз баъзур танийдиган кишилар билан ўзимизни дадил ва амин тутмаймиз. Мисол учун, биз Дэйв билан Жон деган официант хизмат қилаётган ресторанга борамиз. Жон биринчи марта столимизга келганида ўзини таништиради. Дэйв унга: «Жон танишганимдан хурсандман. Бу менинг рафиқам Жойс, келаси ҳафта пайшанба кuni уни ишга олиб бориб қўйиш керак. Сен элтиб қўя оласанми?», деб сўрашига шубҳам бор. Биз официантлар билан хушмуомалада бўламиз, аммо улардан бунга ўхшаш хизматларни сўраш учун биз унчалик ҳам яқин эмасмиз.

Модомики, Жоннинг вазифаси – бизнинг столимизга хизмат кўрсатиш экан, мен ундан яна битта лимон ва салат учун зиравор олиб келишини сўрашдан тортинмайман. Лекин биз у билан дўст эмасмиз, шундай экан, машинам таъмирда экани учун, у мени ишга олиб бориб қўйишини илтимос қила олмайман. Аммо мен ўз дўстларимга ишона оламан ва улар мени керакли жойга, тонг саҳар соат бешда ҳам, бажонидил олиб бориб қўйишларига ишончим комил. Мен улардан буни илтимос қилишдан тортинмайман, чунки уларнинг дўстлигига аминман.

Худованд билан дўстлик бизга ибодатда аминлик ва дадиллик беради. Биз Худонинг дўсти эканимизни, Унда бизларга керакли бўлган нарса борлигини ва У бу нарсани беришга тайёрлигини билсак, биз қатъий ва чекинмас бўла оламиз. Агарда Унинг дўстлигига амин бўлмасак, ибодатда Унга мурожаат қила туриб, тортиниш ва ноқулайликни ҳис этамиз.

Мен Худога ибодатда, Унинг қаршисида дадил тура оладиган аёл ва эркеклар кераклигига аминман. Одамлар ўзлари англамаган ҳолда, кўпинча ибодатда «шунчаки» сўзини ишлатадилар (мен ҳам қачондир шундай

қилганман). Бу тахминан шундай эшитилади: «Раббий, биз шунчаки бу таом учун миннатдормиз»; «Художон, биз шунчаки Сенинг ҳимоянга муҳтожмиз»; «Отажон, биз бугун шунчаки Сенинг олдинга келдик»; «Худойим, бу нарсада бизга шунчаки ёрдам берсанг, биз Сендан чексиз миннатдор бўламиз». Биз Худодан ҳаддан зиёд кўпроқ нарсани сўрашдан қўрқгандек ибодат қиламиз. Аслида, биз яқин дўстларимиз билан бундай гаплашмаймиз-ку!

Шунга ўхшаш ибодатлар билан, биз Худоба, камига ҳам қаноат қилишимизни ва кўпроғига даъвомиз йўқлигини кўрсатамиз. Шу орада, Худованд Ўзининг баракаларини ортиғи билан ҳадя этишни, бизни ҳаддан зиёд мукофотлашни, умид қилмаган, ўйламаган ва ҳаддимиз сиғмаган нарсаларни ҳам беришни истайди (Эфес 3:20). Нимага биз Унинг олдида озгина сўраб келамиз? Худодан, ўз дўстимиздан кўпроқ нарсани сўрашдан қўрқимизнинг сабаби нима? Ўзимизни шундай тутганимизда, биз Унинг сахийлиги ва эзгулигига ишонмаслигимизни билдирган бўламиз. Тушунинг, У бизга баъзур аравамизни тортишимиз учун озгина беришни истамайди. У бизларни сахий баракалашни, осмон ойналарини



очиб, марҳаматларини ортиғи билан ёғдиришни орзу қилади (Малахия 3:10).

Биз баъзида, одатга кўра, «шунчаки», «ҳеч бўлмаганда», «шугина кифоя» деган сўзларни ишлатамиз, ваҳоланки булардан қутулишимиз зарур. Худога журъатсиз, иккиланувчилик билан айтилган илтимослар ёқмайди. У имон билан тўлган, Худованд унинг дўсти эканига амин бўлган, ҳақ, самимий одамларнинг дадил ва қатъиятли ибодатларини эшитишни истайди. Худонинг олдида доимо лозим бўлган ҳурмат ва қўрқувсиз яқинлашинг. Худонинг Каломи, Худога ҳурмат ва титроқда муносабатда бўлишни ўргатади, бироқ даҳшатда Ундан қочиш керак, деб айтмайди. Аксинча, Ибронийларга мактуб 10:38 да, Худо қўрқадиган (иккиланадиган) кишиларни ёқтирмаслиги ҳақида айтилган.

### ***Дўстлик атрофимиздагиларга фойда олиб келади***

Худованд билан дўстлик нафақат бизга, қолаверса, атрофимиздаги одамларга ҳам фойда келтиради. Улар бизга ўз муҳтожликлари ва муаммолари билан келганида, ҳар доим ҳам улар-

га ёрдам бера олмаймиз. Биз уларнинг муҳтожликларини қондира олмасак, Худовандга ёрдам сўраб мурожаат қилишимиз мумкин. Худованд билан дўстлигимизни назарда тутиб, бизга мурожаат қилган кишига айтишимиз мумкин: «Мен сенга керак бўлган нарсани бера олмайман, лекин сенга ёрдам бера оладиган Шахсни биламан. Мен сен учун ўз дўстим бўлган Худовандан сўрайман. Унинг қаршисида сен учун шафот қиламан». Биз Унинг дўстлари сифатида, Худованд у ёки бу вазиятга аралашини аниқ биламиз. Жумладан, У кимнидир наркотик моддаларга боғлиқликдан озод бўлишида ёки пул муаммоларидан чиқиб кетишида, шифолаш мўъжизасини амалга оширишда ёки турмуш ўртоқларни муносабатини тиклашда ёрдам беради. Худованд билан муносабатларимиз қанчалик яқин бўлса, Унинг бошқаларга ёрдам бериш хоҳишига ва ёрдам беришга қодирлигига шунчалик амин бўламиз. Одамлар бизга ёрдам сўраб мурожаат қилганларида, У ҳамма нарсада бош қўшишини биламиз, шунинг учун, Унинг олдида тўлиқ аминликда боришимиз мумкин. Боз устига, яқин одамимиз унга ёрдам кўрсатишга арзимаса ҳам, у учун ибодатда кўмак ва мадад сўраб боришимиз мумкин. У киши учун,

севгидан туғилган ҳаққоний ачиниш ила ибодат қилинг ва Худованд сизни эшитади, ҳамда жавоб беради.

Отамнинг руҳий ҳолати қанчалик кучли дилимни ранжитгани эсимда бор. У мени болалигимдан жинсий муносабатларга мажбурлаган. Бунинг учун мен ундан нафратланардим ва у ҳақида билишни ҳам истамасдим. Оқибатда, ҳаётимда ягона истаган нарсам – отам учун ибодат қилиш бўлиб қолди. Вақт ўтган сари, Худованд билан яқинроқ суҳбатда бўлганим ва Унинг йўлларини билиб бошлаганим сари, мен отамни нафақат кечиришим, балки унинг нажоти учун ибодат қилишим лозимлигини англаб етдим. Худонинг инояти отамни кечиришимга ва унга нисбатан ачинишни ҳис этишимга ёрдам берди.

Кўп йиллар давомида отам Исо Масихни таниб-билиши учун ибодат қилдим, аммо унда заррача ҳам ўзгаришни пайқамасдим. У доимо тошжурак одам бўлган ва мен унинг юраги, оз бўлсада юмшаганини аломатини кўрмадим. Шунда менинг ихлосим қайтди ва у учун ибодат қилиш бефойда, деб ўйладим.

Бир куни, Худо мен учун мушкул бўлган нарсани бажаришимни – ота-онамга биз

яшайдиган шаҳарга яқин жойдан уй сотиб олишимни, уларни ўша уйга олиб келишимни ва умрларини охиригача уларга ғамхўрлик қилишимни айтди. Ўша пайти улар етмиш ёшларда эдилар. Авлодимиздагилар узоқ вақт яшаши билан бошқалардан ажралиб туришини ҳисобга олиб, ҳаётимда ёвузликдан бўлак ҳеч нарсани кўрмаган одамлар учун кўп йиллар ғамхўрлик қилишим кераклигини билиб турардим. Худони айтган гапини бажаришга унчалик ҳам хушим йўқ эди ва У мени, ниҳоят, рози бўлмагунимча, анча вақт кўндиришига тўғри келди.

Ундан сўнг, яна уч йил ўтди, афсуски, отамда бирорта ҳам ўзгаришни кўрмадим. Баъзида ойлар давомида у учун ибодат қилмай кўяр эдим, аммо Худованд қайта-қайта ибодат қилишга ундар эди. Аниқ эсимда бор, бир куни ишга кетаётганимда Худога юзланиб: «Художон, бутун дунё бўйлаб, одамларга Сенинг олдинга келиб, Сен билан шахсий муносабатлар қуришида ёрдам беришга мендан фойдалансанг-у, шу пайтнинг ўзида, ўзимни отам ўлимидан кейин дўзахга борса, адолатдан бўладими? Мен Сен сўраган ҳамма нарсани бажардим. Энди эса, менга ҳиммат

кўрсатгин: отамни кутқар. Унинг гоноҳлари-ни кечир ва уни Ўзинга яқинлаштир». Олдинлари ҳам худди шундай ибодат қилганман, лекин бу гал, менинг сўзларим юрагимни туб-тубидан оқиб чиқар эди.

Бир неча ҳафтадан сўнг, онам менга қўнғироқ қилиб, отам уч кундан бери йиғлаётганини ва мени кўрмоқчи эканини айтди. Дэйв билан уларникига борганимизда, отам менадан, у болалигимда менга кўрсатган барча хўрликлари учун кечирим сўради. У тўхтовсиз йиғлар ва ҳаммаси учун кучли афсусдалигини айтар эди. Мен ундан, Исо Масихни Раббим ва Нажоткорим, деб қабул қилишга тайёрмисиз, деб сўрадим, у эса тайёрман деди. Шу жойнинг ўзида тавба ибодатини айтдик ва икки ҳафтадан сўнг, у сувга чўмди. Яқинда отам оламдан ўтди, лекин у ҳозир абадийликда Исо Масих билан биргалигини ўйлаб, хурсанд бўламан. Сизнинг Худованд билан дўстлигингиз, сиз учун яқин бўлган одамларни тақдирини ўзгартириши мумкин.

Биз ибодат орқали бошқаларнинг ҳатти-ҳаракатларини бошқара олмаймиз, шундай бўлса-да, бизнинг дадилликдаги шафотларимиз Худога эшикларни очилиши ва

уларнинг ҳаётида, Худонинг кучи намоён бўлиши учун, Унга имконият очилишига, юракдан ишонаман. Отамнинг ўзи қарор қабул қилиши лозим эди, шундай бўлса-да, менинг дадиллик ва қатъиятли ибодатларим сабабли, Худованд уни ортга чекинмай ишонтирди.

Дарҳақиқат, бизнинг Худованд билан дўстлигимиз, ўзимиз учун ҳам, бошқалар учун ҳам катта марҳаматдир. Худонинг Ўзи билан дўст бўлишга яна ниманидир қиёслаш мумкинлигини ҳаёлимга ҳам келтира олмайман. Мен учун Худодан: «Бу Жойс Майер, менинг дўстим» деган сўзларни эшитишдан ортиқ бахт йўқ. Ундан: «Жойс Майер – бу ибодат ҳақидаги барча қоидаларни биладиган, тўғри ҳолатда, тўғри овозда, жумлаларни усталик билан айтадиган, ҳатто нутқнинг эскирган ибораларидан ҳам фойдаланадиган аёл», дейишини эшитишни истамас эдим. Йўқ! Мен, Худованд мени дўсти, деб ҳисоблашини ортиқроқ кўраман, аминманки, сиз ҳам худди шундай фикрдасиз. Исо Масих орқали, биз Худованд билан яқин муносабатларга эга бўлиш, ҳамда ўзимизни ва бошқаларни муҳтожликларини қондиришини, ёрдам беришини сўраб, Унинг иноят тахтига дадил кела олиш имкониятини қўлга киритамиз (Ибр 4:16).

Ҳаётингизда қилишингиз лозим бўлган энг яхши нарса – бу Худованд билан дўстона муносабатларни йўлга қўйиш. Исо Масиҳнинг хочдаги тўккан қони шарофати билан, сиз Худонинг кўзида ҳақ инсонга айландингиз. Шундай экан, энг яқин дўстингиз билан, қандай аминлик ва ихтиёрий равишда муносабатда бўлсангиз, У билан ҳам шундай муносабатда бўлиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Унутманг, Худованд билан дўстлик, вақт ва ғайратни талаб этади. Дўстлигингиз мустаҳкам, самарали бўлиб борган сари, ибодатларингиз яхшиланиб бораверади. Худованд билан доимо кучайиб, фаоллашиб борадиган, ишончли ва дўстона муносабатлар, табиий равишда, фаолроқ ва самаралироқ ибодатларга олиб келади.

### *Қисқа хулосалар*

«Раббий, менга ибодат қилишни ўргатгин!» деб ёлворинг ва Худованд сизга жавоб беради. Биз, фақат масиҳийлигимиз ва неча йиллардан бери жамоатга бораётганимиз туфайли, ибодат қилишни ўрганиб қолмаймиз. Худованд билан шахсий муносабатлар-

ни ривожлантирганимиз сари, ибодатни ҳам ўзлаштириб борамиз. У ҳар биримизни ноёб шахс сифатида яратган ва У бизга кўпроқ мос келадиган, бизнинг, ўзига хос хислатларимизни очиб берадиган ибодатга ўргатади. Худованд, У билан суҳбатлаша туриб, биз ўзлимизни йўқотмаслигимизни истайди.

Бизнинг Худога бўлган имонимиз ва У билан шахсий муносабатларимиз тўғридан-тўғри, ибодатимизнинг сифатига ва самардорлигига таъсир ўтказади. Худованд билан дўстлик, натижали ибодатларнинг энг муҳим шартларидан биридир. У бизлар, Унга яқинлашишимизни, Унга ишонишимизни, Уни севишимизни ва бизни қийнаётган нарсаларни айтишимизни истайди. Худди шундай, У ҳам бизга Ўзининг фикрлари ва кечинмаларини айтганида, биз Уни эшитишимизни хоҳлайди. Худованднинг дўстига айлангандан сўнг, ибодатни ўрганишда тўхтаб қолмаймиз.

## ***Ибодатга доир маслаҳатлар***

- *Агарда, сиз ўз ибодатларингиздан қониқмаётган бўлсангиз ва уларни маҳсулдорлигини оширишни истасангиз: «Раббий, менга ибодат қи-*



лишни ўргатгин!» деб, Раббийга бутун юрагингиз билан ҳайқиринг.

- Ибодатларимизнинг теранлиги ва кучи тўғридан-тўғри Худованд билан теран ва кучли муносабатларимизга боғлиқ.
- Ибодат – бу Худога гапириш ва У гапирганда эшитишни билдиради.
- Худованд бизга ибодатни ўргата туриб, У бизнинг ўзимизга хослигимизни, ноёб хислатларимизни, суҳбат услубимизни ҳисобга олади. Биз ўзимизни бошқалар билан таққослашганимиз керак. Ўзлингизча қолинг ва Худованд сизга ибодат қилишни ўргатишига имкон беринг.
- Самарали ибодатнинг калити – Худованд билан дўстликдир.
- Худованд билан мустаҳкам дўстона муносабатларни қуриш, вақт ва куч талаб қилади, аммо бу энг яхши инвестициядир.
- Худога дўстона муносабатда бўлиш, бизга ибодатда дадилроқ ва аминроқ бўлишни беради. У билан дўстлигимиз қанчалик мустаҳкам бўлса, биз Унинг қаршисига шунчалик жасурлик билан келамиз.

## ИККИНЧИ БОБ

### Оддий имтиёз

Ибодат – бу инсонга берилган буюк имтиёз. Бу мажбурий *зарурат* эмас, балки инъом этилган *имкониятдир*. Эндрю Мюррей шундай таъкидлаган: «Ибодат шуқадар оддийки, у, ҳатто Унинг фарзандларининг орасидаги энг заифига ҳам тушунарли. Шу билан бир қаторда, ибодат инсон кўтарила оладиган энг юқори ва муқаддас меҳнат ҳисобланади. Ибодат – бу Кўринмас ва Муқаддас Худо билан суҳбат. Бутун борлиқ ибодатчининг ихтиёридадир».

Ибодат – бу бизнинг ва яқинларимизнинг ҳаётида, Худонинг режа ва хоҳишлари амалга ошиши йўлидаги, Худованд билан ҳамкорликнинг воситаларидан бири. Ибодат орқали, биз оддий фоний одамлар, Худонинг ажойиб хузурига кира олишимиз мумкин. Ибодат бизга ўз фикрларимиз ва кечинмаларимизни Худованд билан бўлишишга, Унинг овозини эшитишга, қандай қилиб У бизлар учун тайёрлаб қўйган барака ва инъомларга эга бўлишни билиб олишга замин яратади. Худованд билан мулоқот – ҳамма нарсадан

кўра, энг буюк имтиёз ҳисобланади, шу вақтнинг ўзида, бу энг муқаддас ва юксак машғулот, ҳамда энг оддий имтиёз ҳамдир.

Ибодат қандайдир, ўта мушкул бўлмаслиги лозим. Худованд бошиданок ибодатни, У билан ҳар кун иртиқча куч ишлатишсиз суҳбат қуриш ва инсоннинг табиий ҳаёт тарзи сифатида яратган. 18-асрда яшаган ва масиҳийлиги учун қамоқда ўтириб чиққан, Мадам Жанна Гийтон, ўзининг «Исо Масиҳнинг теранлигини таниб-билиш» китобида қуйидагиларни ёзган: «Худованд ҳеч бир ноодатий нарсани талаб қилмайди. Аксинча, У оддий, болаларча муомала билан қониқади. Мен, ҳатто шундай дейман: аслида, энг юқори руҳий ютуқлар осонликча қўлга киритилади. Энг муҳим нарсалар ҳам – бу энг оддий нарсалар!»

Худованд ҳақиқатдан ҳам, ибодатимиз осон бўлишини истаган бир пайтда, шайтон ибодат ҳақидаги тушунчамизни бузади. У ибодат, нафақат, қандай буюк кучга эга эканини, шу билан бирга, у қанчалик оддий бўлиши мумкинлигини билади. Ўзингиз ўйлаб кўринг: Худованд бизларни суҳбат учун ва У билан ҳамкорлик қилишимиз учун яратган экан, нима сабабдан Унинг Ўзи бу жараённи

мураккаблаштириши лозим? У ҳеч нарсани қийинлаштирмади. Худованд, биз ибодатда У билан оддий ва ёқимли тарзда вақт ўтказишимизнинг усулини ўйлаб қўйган. Шайтон бизни, ибодат албатта узундан-узун бўлиб, белгиланган ҳолатда ва белгиланган сўзлар билан ибодат қилиш кераклигига ишонтирмақчи. У бизга маълум қоида ва ақидаларга риоя қилишни уқтиради, ҳамда Худованд йўл қўяётган эркинликни ва ўзига хосликни ўлдиришга ҳаракат қилади. У имонимизни ўчиришга ва Худога мурожаат қилишга лойиқ эмаслигимизга ишонтиришга уринади. Шайтон бизларнинг ибодатларимиз мажбурий зарурат, фарзни бажаришдек бўлишини истади. У бизга етарлича ибодат қилмаяпсан ва ибодатларингдан заррача ҳам фойда йўқ, деб айбдорлик ҳиссини беради. У бор кучи билан бизни боши берк кўчага киришимиз учун, бизни вақтимизни ўғирлаш, ибодатларимиз беҳудалигага ишонтиришга, Худованд оддий ва қисқа ибодатларни эшитишига бизни гумонланишимизга ундиришга ҳаракат қилади. Шу боис, биринчи бобда айтиб ўтганимдек, кўпчиликни ибодат қилиб бўлганидан сўнг, ниманидир нотўғри қил-

дим, натижага эришмадим, етарлича узоқ ибодат қилмадим, Худога овозим етиб бормади, деган фикрлар қийнайди.

Аксарият имонлилар, ўз ибодатларидан қониқмайдилар. Улар ибодат қилишга уринадилар, шу билан бирга, айблов ва ҳукм ҳиссини сезадилар. Бу эса, айнан душманга керак бўлган нарсадир. Имон билан қилинган ибодатни Худованд жавобсиз қолдирмайди. Шайтон ибодатларимизнинг кучи, самадорлиги, баҳосига шубҳа ва имонсизлик уйғотишга уринишининг сабабини тушуниш қийин эмас.

*Қисқа ибодатлар ҳам натижали бўлади, деганимда, мутлақо узоқ давом этадиган ибодатлар муҳим эмас, демаянман. Шак-шубҳасиз, бундай ибодатлар жуда муҳим. Ҳар кунлик ибодатларимизга қўшимча сифатида, йилида бир неча марта кун билан ёки бир неча кун узлуксиз ибодат, рўза ва Каломни ўрганиш орқали Худо билан суҳбатда бўлишни тавсия қиламан. Ибодат оддий ва етиб бўлмас нарсамас бўлса-да, айрим ҳолатларда, у саботлиликни талаб қилади. Баъзида, Худо бизларни ундаётган мавзуда, муаммо ечилмагунга қадар ортга чекинмай ибодат қилиш керак бўлади. Шундай бўлса-да, шайтоннинг ибодат – бу мушкул*

ва амалга ошиши қийин нарса, деган фикрларига рози бўлмаслигимиз керак.

### *Бу жуда оддий*

Ибодат, аксарият кишилар ўйлаганданда анча осон. Худованд энг паст овоздаги йиғини ҳам эшитади ва энг соддадиллик билан қилинган ибодатдан юзини бурмайди. Мен тўртта фарзандни ўстирдим ва ҳозирда саккизта набираларим бор. Мен бутун иқрорлик билан тасдиқлайманки, болалар ҳеч қачон ҳеч нарса ни мураккаблаштирамайди. Улар ўзларига керакли нарсани сўрашдан, кўрққан пайти сизга ёпишишдан ёки ҳеч бир сабабсиз, сизни ўпиб қўйишдан тортинмайдилар. Уларни, кўпинча, қийин туюлган нарсалар билан шуғулланишига мажбурлашга тўғри келади, шу билан бирга, улар ўзлари учун осон бўлган нарсалар билан бажонидил шуғулланадилар. Улар ҳиссиётларини усталик билан яшириш учун ҳали ҳаётнинг паст-балаңдлигини кўрмаган, айнан шунинг учун, улар билан суҳбат чексиз хурсандчилик бағишлайди.

Худованд, У билан суҳбатлашаётганимизда, айнан шу нарсани биздан ҳам истайди, -

болаларча бевоситаликни ва имонни. Фарзанд учун ота-онасига тўлиқ суяниш табиий ҳол. Шунга ўхшаб, биз ҳам Худога оддий, пок, шубҳа-ғумондан йироқ имонга эга бўлишимиз лозим. Болаларга хос ишонч, оддийлик ва табиийлик билан ибодат қилганимизда, Худонинг мўъжизакор қудратини кўрамиз, ҳаётимиз эса яхши томонга ўзгариб боради.

Биз ўз имонимизда, етилмай қолиб кетган кишилардек эмас, айёрликни билмайдиган ва самимий болалардек бўлишимиз керак. Раббийга мураккаб муносабатларнинг ҳожати йўқ. Уни бизнинг юрагимиз поклиги ва У учун очиқлиги қизиқтиради, ваҳоланки, У доимо инсоннинг юрагига қарайди. Шу билан бирга, У имонни излайди. Имон – бу ҳиссиётлар эмас, балки кўринмас дунёга таъсир ўтказадиган руҳий кучдир. Бундан ташқари, Худованд – тартиб Худоси, қоида, қарор ва қонун Худоси эмас. У Руҳда алангаланмаган, балки кўрсатмаларга мувофиқ, махсус тайёргарликни талаб этадиган узоқ ибодатлар билан ўзимизни ҳолсизлантиришимизни истамайди. Бундай расмона муносабатлар Худога керак эмас, чунки ёзилганидек, Руҳ ҳаёт беради, қонун эса ўлдиради (2 Коринфликлар 3:6).

Муқаддас Рухнинг бошқаруви ибодатларимизни ҳаёт билан тўлдиради. Биз вақтга қараб ибодат қилмаслигимиз лозим. Борди-ю, ибодатга мажбурият ва фарз, деб қарайдиган бўлсак, ибодатда беш дақиқа ҳам соатлардек туюлади. Аксинча, ибодатларимиз Муқаддас Рухнинг қувватига тўлган бўлса, соатлар худди беш дақиқадек ўтиб кетаверади.

Ёдимда бор, Худованд бир гал, бирор нарсани сўраганимда, ортиқча сўзлар билан таъриф бериб ўтирмаслигимни айтди. Олдин, узундан-узоқ чўзиб ибодат қилиш одатим бор эди. Сўзлар мендан дарёдек оқиб чираверар эди, чунки қисқа ибодатлар Худога маъқул эмас, деб ўйлар эдим.

Муқаддас Рух сизни ундаган пайтида ибодатни бошлаб, У билан бирга тугатишга ўрганинг. Муқаддас Рух сизни бошқаришдан тўхтаганидан сўнг ҳам, ўзингизни ибодат қилишга мажбурламанг. Бундай ибодатлар, хойнаҳой, руҳлантирувчи ва қувончли эмас, зериктирадиган бўлади. Худонинг қаршисига болаларча оддийликдаги ва очиқликдаги имон билан келиб, Унинг Рухи сизни то бошқаргунча ибодат қилинг.



## *Ибодат узун бўлиши шарт эмас*

Эҳтимол, шайтоннинг ибодатга оид энг катта ёлғони, у узун бўлиши шартлиги бўлса керак. У сизни, фақатгина, бир неча соатга чўзиладиган ибодатлар мукамал эканига ишонтирмоқчи бўлади. Ишонинг, ибодатнинг кучи, умуман унинг давомийлигида эмас. Худога ибодат қанча вақт давом этиши муҳим эмас. Муҳими – Унинг ибодатга оид ўғитларига қулоқ тутишимиз, Унинг Рухининг ортидан боришимиз, самимий бўлишимиз ва бутун юрагимиз билан Унга ишонишимиз керак. Мен рухий қониқишни ҳис этмагунимча, ибодат қилишга одатланганман. Бу эса, вазиятга қараб, ҳар хил оралиқдаги вақтни талаб этиши мумкин.

Менимча, биз баъзида ибодатни ортиқча сўзлар билан қийинлаштириб юборамиз ва бу сўзлар ўз кучини йўқотиб қўяди. Мен қайтадан таъкидлаб ўтмоқчиман, давомли ибодатларнинг ёмон жойи йўқ. Биз Худованд билан суҳбатга узоқ вақт ажратишимиз лозим. У билан муносабатларимизнинг теранлиги ва мустаҳкамлиги, У учун вақт ажратиш хоҳишимизга боғлиқ. Аммо, Муқаддас Рух бошқармаган пайти, фақат қарздорлик ҳисси

билан ўзимизни бир неча соатлаб ибодат қилишга мажбурлашимизнинг ҳожати йўқ, деб ҳисоблайман. Агарда, вазиятларимиз, узоқ вақт ибодат қилишни талаб қилса, шундай йўл тутиш керак. Лекин ибодат узун бўлиши учунгина уни чўзиш керак эмас.

Худованд менга қисқароқ ибодат қилишни айтганида, У мендан сўраётган нарсамни лўнда ва аниқ ифодалашимга ўрганишимни истаган эди. Шу йўсинда ҳаракат қилиб, мен ибодатларим эришган кучга ҳайратда қолдим. Ўшандан буён, кўп гапириб ибодат қилгандан фарқли ўлароқ, Муқаддас Рухнинг кучини ва ҳузурини аниқроқ сезаман. Англашимча, энг ҳаракатчан ибодатлар, баъзида энг қисқа ибодатлар ҳисобланади, жумладан: «Раббий, раҳмат Сенга», Художон, менга Сенинг донолигинг керак», «Раббий, менга олдинга юришга куч бергин», «Исо Масих, мен сени севаман», «Менга ёрдам бер!» Кўриб турганингиздек, *бор-йўги бир неча сўзлар, Раббийдан ёрдам беришини ва аралашинини сўрашимиз учун, самога эшикларни оча олади.*

Қисқа ва самарали ибодатга мисол келтираман. Бир марта, биз Дэйв билан, мен осойишта жойда китобимни ёзиб тугатишим

учун, шаҳарнинг ташқарисида жойлашган кўл бўйидаги уйимизга бордик. Бироқ осойишталик узоққа чўзилмади, чунки тез орада кўшнилари миз, мусиқани баланд қилиб эшитишни яхши кўрадиган ўсмир болалари билан, келиб қолдилар. Мен тиз чўкиб, Худога менинг китобим қанчалик муҳимлигини, у миллионлаб одамларга ёрдам бера олишини, шундай экан, мен уни тезроқ тугатишим кераклигини, мусиқа эса менга ҳалақит бераётганини тушунтиришга тушмадим. Бунинг ўрнига, мен шунчаки дедим: «Раббий, биз қанчалик бу уйда дам олишга ҳуқуқли бўлсак, улар ҳам шунчалик ҳуқуқли, аммо мен осойишталикда Сен учун меҳнат қилишимга-шароит яратиб берсанг, дегандим».

Бу оддий ва қисқа ибодатдан сўнг, бир дақиқа ҳам ўтмасдан, мусиқа ўчиб қолди. Мен Худога ёлворишимга, Унга нималарнидир исботлашимга тўғри келмади, жинларни ҳам қувишнинг ва руҳий жанг олиб боришнинг ҳожати йўқ эди. Менга керак бўлган ягона нарса – шунчаки Ундан сўраш эди. Қисқа ва оддий ибодат, Худога шу вазиятга аралашип учун имкон берди. Мен беш сония ибодат қилдим холос, У эса, шу заҳоти жавоб берди.

Исо Масих қисқа ва оддий ибодатнинг кучини билган. Тоғдаги воизлигида деган: «Ибодат қила туриб, мажусийларга ўхшаб, ортиқча сўзламанглар (эзма бўлманглар, бир хил нарсани кўп маротаба қайтарманглар), улар, кўп сўзласам, Худо эшитади, деб ўйлайдилар» (Матто 6:7). Каломда қисқа, аммо ўта таъсирчан ибодатларни топиш мумкин.

### ***Қисқа ибодатларга мисол:***

- *Мусо ибодат қилди: «агар мен Сенинг нигоҳингда илтифот топган бўлсам, илтижо қиламан: Менга Ўз йўлингни очгин...» (Чиқиш 33:13).*
- *Мусо, яна, ўз синглиси учун ибодат қилди: «Художон, унга шифо бергин!» (Рақамлар 12:13).*
- *Саночи Худога ёлворган: «Ё, Раббий, Менга шавқат қил, чунки мен жуда сиқиялман. Қайгудан менинг кўзим, жоним ва ич-этим қуриди» (Сано 30:10).*
- *Илёс ибодат қилган: «Ё Раббий, менинг Худойим! Сендан илтижо қиламан, бу ўсмирнинг жони ўзига қайтсин!» (3 Шоҳ 17:21).*
- *Йабез Исроилнинг Худосига илтижо қилиб: «Эҳ, қани эди, Сен мени Ўз дуо-баракаларинг билан дуо қилсанг эди, менинг чегараларимни кенгай-*

*тирсанг эди ва мен қайгурмаслигим учун мени ёвузликдан асраб, Сенинг қўлинг мен билан бирга бўлса эди!» (1 Йилномалар 4:10).*

- Исо Масих ибодат қилган: «Ота! Уларни кечиргин, зеро улар нима қилаётганини билмайдилар» (Луқо 23:34).
- Ҳаворий Юҳанно ўз дўсти учун қуйидаги сўзлар билан ибодат қилди: «Севиклигим, сенинг жонинг муваффақият қозонаётгани каби, сенбарча нарсада муваффақият қозонишинг ва соғ-саломат бўлишинг учун ибодат қилмоқдаман» (1 Юҳанно 1:2).

Борди-ю, У бизнинг ибодатларимиз ҳар сафар давомли ва серсўз бўлишини истаганида эди, аминманки, Муқаддас Китобнинг саҳифаларида бунинг кўплаб мисолларини кўрган бўлар эдик. Чунки У бизга доим ўрناق учун намуна кўрсатади. Бироқ, Каломда лўнда ибодатларнинг кўплигини кўрамиз. Душман бизга ибодат соатлаб чўзилиши шартлигини уқтиришга уринади, бунинг имкони бўлмаганида эса, шу заҳотиёқ, бизга айблов ҳиссини беришга шошилади. Худо ибодатда кам сўз ишлатишимизга қарши эмас. Исо Масихнинг ўгитини унутманг: «... ортиқча сўзламанглар

(эзма бўлманг, бир хил нарсани кўп мартаба қайтарманглар)» (Матто 6:7).

Мабодо, сиз аввал фақат узун ибодатлар натижали бўлишига ишонган бўлсангиз, умид қиламанки, энди сиз енгил нафас олдингиз. Ибодатнинг кучи, асло қанча вақт сарфланганига боғлиқ эмас. Худо бизларни эшитишига соат ва дақиқаларнинг дахли йўқ. Ҳатто, биргина имон билан айтилган сўз, Худонинг юрагига етиб боришига ва У Ўз кучини намоён этиши учун ундашга қодир.

### ***Ибодатни мураккаблаш тиришининг ҳожати йўқ***

Душманнинг ибодатга оид яна бир ёлғонларидан бири – бу ибодат белгиланган қоидаларга мос келиши шарт бўлган қийин нарса, ҳамма сўзлар белгиланган кетма-кетликда бўлиши керак, бошқа нарсалар учун эмас, айнан шу нарса учун ибодат қилиш керак, яхшиси, ўз муаммоларимиз билан Худони ортиқча безовта қилмаслигимиз керак, ибодатда Раббийнинг иродасини яхши билиш, сўраётган нарсаларимизда эҳтиёткор бўлишимиз лозим, токи тасодифан Унга номақул нарсани сўраб қўймайлик. Ҳа, биз

албатта, Худонинг иродаси бўйича ибодат қилишимиз лозим, аммо душман сизга қўрқувни экишига йўл қўйманг, ҳамда эҳтиёж сезаётган нарсангизни Худодан сўрашдан қўрқманг. Мабодо, Худога номаъқул нарсани сўраб қўйсақ, энг ёмони – жавоб ололмаимиз, бу ҳам бўлса бизнинг фойдамизга. *Худованд ҳар биримизнинг юрагимизни билади, шундай экан, Унинг иродасига мос бўлмаган нарсани сўраганимизда, У жаҳлланмайди.* Унинг олдига кела туриб, хато қилиб қўйишдан, жуда кўп нарсани сўраб қўйиб, Унга ёқмай қолишдан қўрқманг. Унинг қаршисига имон билан, ҳамда дадил, амин ва эркин келинг.

Агарда, сиз шайтоннинг юқорида санаб ўтилган ёлғонларига ишонсангиз, ибодат сиз учун ҳақиқатдан мушкул машғулотга айланиб қолади. Душман сизни тўрға илинтириш мақсадида бераётган фикрлардан воз кечинг, ибодатни мураккаблаштирадиган назарияларга ишонишни бас қилинг ва сиз оддий ибодат қанчалик кучли бўла олишини кўрасиз. Ибодат нафас олишдек оддийдир.

Ибодатларимизни қийинлаштирадиган ва ибодат қилишга хоҳишни сўндирадиган хатолардан яна бири шундаки, эмишки, ибодат бекам-кўст бўлиши учун кўзларни юмиш,

қўлларни қовуштириш ва бошни эгиш лозим. Эҳтимол, сиз бошини эгиб, кўзларини юмиб ва қўлларини қовуштириб ибодатда турган ёши катта кишининг суръатини кўргандирсиз. Бу чиройли суръат, аммо ўша кишининг ҳолати, ибодат учун ягона ҳолат бўла олмайди.

Менга кўзларимни юмиб ибодат қилиш осонроқ – бу ибодатнинг қоидаси экани учун эмас, шунчаки мен юмуқ кўзлар билан диққатимни яхшироқ жамлай оламан. Дэйв, аксинча, ибодат вақтида кўзларини юймайди. Қачондир мен ҳам қарор топган тартибга риоя этишга, ибодатга оид қоидаларга жиддий амал қилишга уринар эдим. Жумладан, мен ибодат баланд овозда бўлиши керак, деб ўйлар, шунинг учун баъзида ибодатларим қичқиришга айланиб кетар эди. Кўпинча, юриб ибодат қилар, шу билан бирга, кўзлар юмилган бўлиши шарт, деб юракдан ишонар, шу боис, бутун овозим билан бақириб бориб, деворга ёки мebelга урилиб кетар эдим. Менимча, Худованд мени мурувват юзасидан, кулиб кузатиб турган.

Дэйвга келсак, у одатда, Раббий билан, ўтирган, кўзларини очган, ойна томонга қараган ҳолда, осойишта ва самимий суҳбатлашар эди. Унинг лаблари, ибодат чоғида, баъзур қимир-



лар эди. Дэйв томонга қараб қўйиб: «Ҳа, сен умуман ибодат қилмаяпсанку! Ҳатто кўзларингни юммагансан!» – деб ўйлардим. У албатта, ибодат қилган, мен эса уни адолатсиз ҳукм қилганман. Мен ибодатда баъзи бир қоидаларга жиддий амал қилиш лозим, деб адашганман.

Менинг нотўғри тасаввурим ибодатларимни қийинлаштирди ва Худонинг режасига кўра, ибодатдан келадиган қувончни менадан ўғирлади. Худонинг Каломида ёзилган: «Сўранглар ва эришасизлар, токи қувончингиз мукамал бўлсин» (Юҳанно 16:24). Менимча, бу умуман қийин эмас.

Айримларни кўз очиқ ёки юмуқлиги, умуман қизиқтирмайди, лекин ибодатда тиззасига чўкиш шартлигига ишонадилар. Мен учун бу жуда қийин масала, чунки мен бир неча дақиқадан ортиқ тиззамда тура олмайман. Борди-ю, мен тиззамда туриб ибодат қилгудек бўлсам, унда фикр-хаёлим оғриётган тиззаларимда бўлади. Мен шунчаки Худованд билан суҳбатга диққат қарата олмайман. Менинг бир дутонам соатлаб тиззасида туриб ибодат қилади. Унинг бундай ҳолатда турганини кўрганимда, у менга бағоят руҳий киши бўлиб кўринади. Шу билан бир қаторда, тиззамда туриб ибодат қилма-

самда, менинг ҳам ибодатларим рухийликда уникидан кам эмаслигини аниқ биламан.

Мен полга юзим билан ётиб ибодат қилишни ёқтираман. Бу менга бутун дунёдан узулиб, танҳо Худованд билан қолишга ёрдам беради. То менинг белим оғришни бошламагунича, шу тарзда ибодат қилардим. Кейин ўзимни ибодатдаги севикли ҳолатимни ўзгартиришимга тўғри келди, бироқ шу туфайли камроқ рухий бўлиб қолганим йўқ. Қисқаси, сиз белгиланган бир ҳолатда ибодат қилишингиз шарт эмас. Мабодо, сизнинг тиззаларингиз оғриси, полга ётиб ибодат қилинг. Агарда, белингиз оғриси ёки ётган пайти уйқунгиз келса, туринг ва юриб ибодат қилинг. Агар, сизга Дэйвга ўхшаб, ўтириб, ойнага қараб ибодат қилиш қулай бўлса, шундай қилинг. Ўзингизга ибодат учун қулай жой ва ҳолат топинг. Муҳими, ҳеч нарса сизни Раббий билан мулоқотдан чалғитмасин.

Миянғиздаги тўғри ҳолат ҳақидаги барча кўрсатмаларни чиқариб ташланг ва оддий ибодат қилинг! Мен сизларни ибодатни мураккаблаштирмасликка чорлайман. Ибодат, албатта жумбоқли бўлиши керак, деган фикрга ишонманг ва сизга Худодан совға қилинган бу оддий имтиёздан завқланишни бошланг.

## *Ибодат чиройли сўзлар билан айтилиши шарт эмас*

Душманнинг ибодатга оид яна бир ёлғонларидан бири – бу ибодат чиройли сўзлар ва нотиклик билан айтилиши шарт, экани. Мен, кўпинча, ўзлари ҳаётда ишлатмайдиган, одатланмаган сўзлардан фойдаланиб ибодат қиладиган кишиларни кўраман. Сабабини билмадим-у, кўпчилик одамлар, ибодатларида Муқаддас Китобнинг фақат қадимий таржималарида учрайдиган эски нутқдан фойдаланадилар. Жумладан: «Ё пирим ва олийҳиммат Раб, Сенинг ҳимматинг учун ташаккур билдирамиз. Қўлларингни чўзиб, бизларга мадад ато қилгин!»

Сиз, Ёзувни қадимий таржималари яратилган замонда яшамаган бўлсангиз, бугун бундай сўзлар билан гаплаша олмайсиз, чунки бу ғайритабиий эшитилади. Сизни ишонтириб айтаманки: Худованд, у билан мулоқотда ҳеч бир ноқулайликни ҳис этмаслигингизни истайди. У билан дўстингиздек гаплашинг. Агарда, сиз дўстларингиз билан телефонда шеърӣ тарзда гаплашсангиз, унда, марҳамат, Худованд билан ҳам шундай гаплашинг. Бор-

ди-ю, Худони ибодатда чиройли сўзларингиз билан қойил қолдирмоқчи бўлсангиз, бунни тўхта-тиб, ўзлингизча қолинг. Бошқа тилда акцент билан гапирсангиз, ибодат вақтида бунни яширишнинг кераги йўқ. Кундалик ҳаётда кўп ҳазил қиладиган киши бўлсангиз, Худованд билан суҳбатда ҳам ҳазил ишлатишдан қўрқманг. У ҳам ҳазил қилишни билади. Ибодат табиий ҳолат ва турмуш тарзимизнинг давоми бўлиши керак. У юракдан чиқиши, ихтиёрий бўлиши ва қувонч олиб келиши лозим.

Мен одатда одамлар билан оддий сўзлар билан гаплашаман, сиз ҳам бошқаларга ўз фикрингизни оҳангжамадор жумлалар билан тушунтиришга уринмайсиз, деб ўйлайман. Мен ибодат қила туриб, мос келадиган сўзларни танлашим керак, деб қайғурмайман. Мен шунчаки ичимдаги нарсаларни Худога айтаман ва буларни оддий ва тушунарли сўзлар билан гапираман. Турмуш ўртоғим, фарзандларим, ҳамкасбларим билан ҳам шундай гаплашаман. Худди ўша сўзлардан Худованд билан мулоқотда ҳам фойдаланаман. Мен Уни лол қолдиришга уринмайман, лекин ўз кечинмаримни У билан оддий бўлишаман. Бу мен қандай бўлсам, шундайлигимча қол-

ганимда, яхшироқ амалга ошади. У бизларни ҳар хил қилиб яратган, шундай экан, бошқага ўхшаш бўлишга уринмаслик керак. У билан «жоиз бўлганидек» гаплашмасак, У бизларни эшитмайди, деб ўйламаслик лозим. Биз самимий бўлсак, У доимо бизларни эштади. Ҳатто юрагимизни тўлдириб турган нарсаларни сўзларимиз билан ифодамай олмаган пайтимизда ҳам, У бизларни эштади ва тушунади. Худованд учун Унга интилган юрак жуда қимматлидир. Инсон Унинг қаршисига шундай ҳолатда келганида, У ҳатто айтилмаган сўзларни ҳам эштади. Баъзида ибодат қилиш қийин, ҳолимиз фақат инграш ёки хўрсинишга етадиган оғир пайтлар бўлади, лекин Худованд бизни барибир эштади ва тушунади.

### *Мукамал бўлишга мажбур эмассиз*

Ёкуб мактуби 5:16 да айтилган: «Ҳақ кишининг самимий (юрақдан айтилган) ибодати улкан (кўп нарсани амалга ошира оладиган) куч келтириб чиқаради». «Ҳақ одамнинг ғайратли ибодати кўп нарсани амалга оширади». Ўз ибодатини кучсиз, деб ҳисоблаган кишилар: «Мен кераклича ҳақликка эришмаганим учун ибо-

датларимда куч йўқ. Балки, мен аввал муқаддас бўлишни, ҳар доим тўғри ҳаракат қилишни ўрганишим зарурдир, шундагина ибодатларимга жавоб келади», деб ўйлашлари мумкин.

Ҳолбуки, биз юқоридан туғилган эканмиз, биз ҳақ кишига айланганмиз. Эҳтимол, биз ҳар доим ҳам *тўғри* ҳаракат қилмасмиз, аммо биз юз фоиз ҳақ кишилармиз. 2-чи Коринфликларга мактуб 5:21 да айтилган: «Чунки Худо гуноҳни билмаган Масихни биз учун гуноҳ қурбонлиги қилди, токи биз Масихда Худонинг ҳақлиги бўлайлик». Ҳақлик билан тўғри ҳаракатнинг ўртасида фарқ бор. Ҳақлик – бу бизнинг ҳуқуқий мақомимиз, Худонинг қаршисидаги, Исо Масихнинг тўкилган қони орқали қўлга киритган ҳолатимиз. Биз ўз кучимиз билан ҳақ киши бўла олмаймиз – Худонинг кўзида бизни фақат Исо Масихнинг қони худди, ҳеч қачон гуноҳ қилмагандек, пок қила олади. Хатолар қилишда давом этишимизга қарамай, Худованд бизларга ҳақ киши, деб қарайди. Шу сабабдан, биз ибодат қилишга ва жавоб олишга ҳуқуқлимиз.

«Ҳақ одамнинг ғайратли ибодати кўп нарсани амалга оширади» сатридан сўнг, бирдан ушбу жумлаларни ўқиймиз: «Элийаҳ бизга

ўхшаган (биздек жисмоний, ҳиссий ва эмоцияли ҳолатларга эга) бир инсон эди. Ёмғир ёғмаслиги учун у қизгин ибодат қилди ва ер юзига уч йил-у олти ой ёмғир ёғмади. У яна ибодат қилгач, осмон ёмғир берди ва ер ўз ҳосилини келтирди» (Ёқуб 5:17-18). Кимгадир Элийаҳ ҳақидаги сатрлар, Ёқубнинг ибодат ва кейинчалик одамларни қандай қилиб ҳақиқатга қайтариш ҳақидаги таълимотларининг орасига тасодифан тушиб қолгандек, туюлиши мумкин. Мен аминманки, бу сатрлар беҳудага айнан шу ердан жой олмаган, ахир Худованд кўпларни «ҳақ инсон» сўзи чўчитишини жуда яхши билган. У, шайтон инсонларга, улар мукамал эмаслиги сабабли ибодат қилишга ва Худодан жавоб олишга ҳаққи йўқлигини уқтиришга уринишини билади. Элийаҳ ҳақидаги воқеа бизларга, ҳаммамиз қийинчиликлар билан курашиб яшашимизни, ҳар биримиз ғалаба ва мағлубиятларга эга эканимизни эслади, буюк пайғамбар ҳам худди шу нарсаларни бошидан кечирган. Агарда, у вақти-вақти билан хато қилган бўлса ва шунда ҳам, Худодан ибодатларига жавоб олган бўлса, бизларнинг ҳаётимизда ҳам шундай бўлади. Худованд Элийаҳ орқали кўп маротаба Ўз кучини ва қуд-

ратини намоён қилган, ҳолбуки, пайғамбар бир неча марта кўрқув, ҳафсаласи пир бўлиш, кўнгли тўлмасликни бошидан кечирган. Элийаҳ Худонинг кишиси бўлганига қарамай, ўзини бекам-кўст тутмаган ва вақти-вақти билан заиф томонлари ҳам кўринган. Шу билан бирга, унинг ибодатлари шу қадар кучга эга бўлган бўлса, унда бизники ҳам шундай кучга эгадир. Элийаҳ Худонинг кўзида қанча ҳақ бўлса, биз ҳам шунча ҳақмиз. Балки, ҳақлигимиз уникидан устундир ҳам, чунки Исо Масиҳнинг Ўзи бизда яшаяпти ва ҳақлигимизни тасдиқлаяпти.

Ишаъё китоби 41:10-14 да ёзилганига қараб кўринг: «Кўрқма, зеро Мен сен билан биргман. Хижолат бўлма, зеро Мен – сенинг Худойингман. Мен сени мустаҳкамлаб, сенга ёрдам бераман ва сени Ўз ҳақлигимнинг ўнг қўли билан қўллаб-қувватлайман. Мана, сенга қарши газабланаётганларнинг ҳаммаси уятда қолади ва шарманда бўлади, сен билан курашувчилар ҳеч нарсадек бўлиб қоладилар ва ҳалок бўладилар. Сенга душманлик қилаётганларни излаб, уларни топа олмайсан. Сенга қарши жанг қилаётганлар ҳеч нарсадек, мутлақо ҳеч нарсадек бўлиб қоладилар. Зеро Мен – Раббий сенинг Худойингман. Мен сени ўнг қўлингдан ушлаб,



сенга айтмоқдаман: «Қўрқма, Мен сенга ёрдам бермоқдаман. Қўрқма, эй, қурт Ёқуб, камсонли Исроил халқи! Мен сенга ёрдам бермоқдаман», – дейди Раббий, сени қайта сотиб Олувчинг, Исроилнинг Муқаддаси».

Бу матн мени ҳаддан ташқари руҳлантиришига ва сизларга тетиклик бағишлашига аминман. Бу Ёзувни ўқиб, ўйлаймиз: «Буни қара-я! Ҳойнаҳой, Худованд ҳамма нарсани тушунадиган, ҳамма нарсани тўғри бажарадиган бошидан оёғигача ҳақ ва мукамал одамларга қарата айтаяпти». Бу ундай эмас. Худованд шундай деяпти: «Қўрқма, зеро Мен сен биланман. Мен сени қўлингдан ушлаб турибман. Менинг Руҳим сенда. Мен сенга ёрдам бераман, сенга қарши чиққан ҳар қандай душманни янчиб ташлайман». Бу сўзларни ўқиб, ўйлаймиз: «Ҳақ инсон бўлиб яшай олсайдим, Худованд мен томонда бўлар эди». Бироқ, Худо давом этиб, Унинг бу сўзлари кимга қаратилганини тушунтираяпти. Қўрқма, эй, қурт Ёқуб, камсонли Исроил халқи! Мен сенга ёрдам бермоқдаман», – дейди буюк Раббий, сени қайта сотиб Олувчинг, Исроилнинг Муқаддаси».

О-ҳо! Худованд Ёқубни қурт деб атаяпти! Дунёда ўз тузилишига кўра қуртдан ҳам паст организм унчалик кўп эмас. Бундай ҳолга тушиш учун анчагина уриниш керак. Худованд дунёдаги қуртларга ҳам ёрдам беришини билиш ажойиб эмасми? Бу фикр менга жуда ёқади, негаки ўзимни қуртдек ҳис қилиб, ҳаракатларим қуртникидек бўлиб қолган кунларим ҳам бўлиб туради. Шундай бўлса-да, менинг ҳам, сизнинг ҳам ғам чекишимизнинг холати йўқ: борди-ю қуртдек иш қилиб, хато қилиб қўйсак ҳам, Худованд бизга ёрдам беришга тайёр ва У биз томонда.

### ***Вазиятдан чиқишнинг энг оддий ва самарали йўли***

Баъзида, миясига ибодат қилиш фикри келишидан олдин, узоқ вақт у ёки бу муаммонинг тубига ета олмай юрган масиҳийларни кўриб, ҳайрон қоламан. Биз, аксарият ҳолларда, нолиймиз, жовраймиз, норозилик билдирамиз, муаммоларимизни танишларга тўкиб-соламиз, Худованд шу вазиятда қандай ёрдам бера олиши ҳақида фикр юритамиз. Ўйлаб, хавотир олиб, вазиятдан чиқиш йўли-

ни топишга уринамиз, бироқ, кўпинча, энг осон усулни – ибодатни унутиб қўямиз. Энг ёмони, биз ўйлаб топа олган, энг аҳмоқона жумлани айтамыз: «Фақат ибодатдан бошқа нима ҳам қила олар эдим». Бундай сўзларни эшитганингизга ва ўзингиз ҳам вақти-вақти билан шундай дейишингизга шубҳам йўқ. Бу барчамизга таниш, деб ўйлайман. Ҳаммамиз баъзан, ибодатга энг охирги имкониятдек қарашимиз: «ҳеч нарса ёрдам бермагандан кейин, балки ибодат қилиш керақдир», деб айтишимиз бизнинг айбимиз. Бу сўзларнинг ортида нимани эшитаётганимни айтайми? Ибодатнинг кучига нисбатан имонсизликни эшитаяптман. *Ибодатнинг кучини англаб етмаганимиз туфайли, биз кераксиз муаммо юкларини кўтариб юрамиз ва ҳаётимизни қийинлаштирамыз.* Агарда, ибодат қандай қудратга эга эканини тушунганимизда эди, уни энг охирги навбатда эсламаган бўлар эдик, аксинча биринчи навбатда унга қараб югурар эдик.

Ёқуб мактуби 5:13-14 да ёзилган: «Агар орангизда бирор киши азоб чекаётган бўлса (синовлардан ўтаётган, қувғинларга учраган бўлса), у ибодат қилсин. Бошқа бири шодланаётган бўлса, у (Худога) ҳамду сано куйласин.

Агар сизлардан бирор киши касал бўлган бўлса, у жамоабошқарувчиларни (рухий мураббий) чақирсин. Улар эса Раббийнинг исмидан уни мой билан мойлаб, у учун ибодат қилишсин». Демак, азоб чекаётган киши нима қилиши лозим экан? Ибодатда бўлиши лозим. Калом, қандай ҳаракат қилишни батафсил баёнини таклиф этмаяпти. Бундай ҳолда ибодат қилиш лозим ва гап томом. Шундай қилиб:

- *Муаммода бўлсангиз, ибодат қилинг.*
- *Бирор нарсага муҳтож бўлсангиз, ибодат қилинг.*
- *Сизни хафа қилганида, ибодат қилинг.*
- *Сизни ҳақорат қилганида, ибодат қилинг.*
- *Касал бўлсангиз, ибодат қилинг.*
- *Таслим бўлишга шай бўлганингизда, ибодат қилинг.*
- *Яқин кишингиз азоб чекаётган бўлса, ибодат қилинг.*
- *Хафсалангиз тир бўлганида, ибодат қилинг.*
- *Қандай йўл тутишни билмасангиз, ибодат қилинг.*

Бир марта, катта оиламизнинг бир аъзоси, мени хафа қилди. Мен анча вақтгача ўзимга кела олмай юрдим. Ёдимда бор, машинада хавотир олиб ўтирдим, кейин Худога дедим:

«Художон, Сен мени юпатишинг керак. Мен шу ҳолатда юришни, хафа бўлишни ва ўша инсон ҳақида ёмон фикрда бўлишни истамайман. У мени юрагимни оғритди, бироқ бу нарса учун безовталанишни истамайман. Менга ҳиссиётларим билан курашиш қийин, Сенинг ёрдамингсиз, мен бу ҳолатдан чиқа олмайман».

Биласизми, нима содир бўлди? Худдики, Худованд самодан тушиб, мени тўлдирган-дек бўлди. Менинг барча хавотирларим, шу заҳотиёқ изсиз йўқолиб кетди. Аксарият ҳолларда, Унга ибодатда мурожаат этишнинг ўрнига, атрофимиздагиларга нолишни бошлаймиз: «Улар менга нима дегани, нима қилгани ва қанчалик дилимни оғритганига ишонгинг ҳам келмайди. Менга бундай муносабатда бўлишидан чарчадим. Бу адолатсизлик!» Биз миямизга келган ҳамма усулларни қўллаб кўрамиз, бироқ уларнинг бирортаси вазиятни ўзгартиришга ёрдам бермайди. Агарда, бирор таҳлика ёки зарба чоғларида, энг аввало ибодатни ўйласак эди, қанчалик бизга енгил бўларди. Борди-ю, биз бирор ҳаракат қилишдан олдин, ибодат қилишга ўзимизни ўргатсак, ҳаётимиз туб-тубидан ўзгариб кетади.

Худованд биз ғалабада яшашимизни ваъда бераяпти, шундай бўлса-да, аксарият масихийларнинг ҳаётида бу ваъда амалга ошмайди. Кўп-ларимиз ғалабали ҳаётда яшашимизга тўсиқ бўладиган сабаблар бор. Каломда ёзилганки, «Худованд бизга доимо Исо Масихда душман устидан тантана қилишни беради» (2 Коринфликларга 2:14). Биз зафар қозонувчи бўлишимиз, бизни кўриб, бошқаларда ҳам хоҳиш уйғониши учун, бутун дунёга ғалабали ҳаёт тарзимизни намоиш этишимиз керак.

Менимча, ўзимизнинг ҳаётимиз учун ва бошқаларга ўрнак бўлиш учун, бизга етишмаётган нарса, ибодатнинг кучини тушунмасликдир. Уйда йиғиладиган ибодат гуруҳлари, жамоатдаги ибодат хизматлари бор. Бундан ташқари, имонлилар бирор жойда биргалиқда йиғилиб ёки телефон орқали ибодат қиладилар. Лекин мен ҳозир бизнинг шахсий ибодатларимиз ҳақида гапираяпман. Мен бу ерга сиёсат, иқтисодиёт, дунёда ва табиатда содир бўлаётган фожеалар, урушлар учун қилинадиган ибодатларни кўшмаяпман. Мен ҳозир шахсий ҳаётимиз учун қилишимиз зарур бўлган ибодатни айта-япман. Турмушимизда вужудга келадиган ҳар битта вазият учун ибодат қиламизми? *Ҳар қандай шароитда, энг аввало ибодат қилишни истасак,*

*ҳаёлимизга келмаган жойдан, Худонинг кучи намоеън бўлишини шак-шубҳасиз гувоҳи бўламиз.*

Ушбу бобни тугата туриб, муаммо юзага келганида бирданига ибодат қилмаган бир оила тўғрисида айтиб бермоқчиман. Кичик набираларимиздан бири, ҳар кеча уйғониб, овози борича йиғлашга тушар эди. У овқатни танлаб ер эди, менимча, шунинг учун ёмон кайфиятда уйқуга кетар эди. Икки ярим йил давомида, қизча кечаси уйғониб йиғлар ва бутун оиласини уйғотар эди. Шунча вақт давомида оила аъзоларининг бирортаси ҳам кечқурун уйқуга тўймасди. Бу воқеани ҳаммамиз билар эдик ва доимо шу ҳақида мулоҳаза юритардик: «Бу даҳшат-ку! Қизик, муаммо нимада экан? Балки буни қилиб кўриш керақдир ёки уни қилиб кўриш керақдир?» Биз бир-биримиздан маслаҳат сўрар эдик: «Нима деб ўйлайсан, яна нимани қўлаб кўрсак?»

Бутун умр воизлик қилиб юрадиган кишига, икки ярим йил давомида ибодат ҳаёлига келмагани, жуда ғалати, тўғрими? Боз устига, биз доимо шу мавзунини муҳокама қилар, бир-биримиз билан баҳслашар эдик. Охири, орамиздан бир кишини кўзи очилиб, оддий ибодат қилиш эсига тушиб қолди: «Раббий, қизимизга шифо бергин, токи у ке-

чалари тинч ухласин». Ибодатимиздан сўнг, қизча кечаси уйғонмайдиган бўлди. Бизнинг ибодатимиз оддий ва самимий эди ва Худо бизга жавоб берди. Мана, биз нимани биринчи навбатда амалга оширишимиз лозим эди.

### *Қисқа хулосалар*

Ибодат – бу ақлга сиғмас ва шу билан бирга, ўта оддий имтиёз. Ибодат ҳар доим ҳам узун ёки жумбоқли бўлиши шарт эмас. Баъзида биргина сўз ёки жумла мўъжиза яратишга қодир. Ибодат мушкул иш эмас ва катта меҳнатни талаб қилмайди. Ибодатда бир тўда қоидаларга ва ақидаларга риоя қилишнинг ёки мос келадиган сўзларни танлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Биз Худонинг қаршисига, Исо Масихнинг қони орқали эришган ҳақликда, юракдан ибодат қилувчини, У эшитишига ишониб, келишимиз лозим.

Ибодат – бу инсонга берилган буюк кучлигидан ташқари, у йўлимизда юзага келган синовларни енгиб ўтишнинг энг оддий ва самарали усулидир. Ибодат, ҳар қандай вазиятда биринчи навбатдаги истагимиз бўлиши керак. Бирор нарса содир бўлганида, бошқа нарсани



қўллашдан олдин, Худовандга мурожаат қилинг. Ёқуб, биз риоя этишимиз лозим бўлган, ажойиб маслаҳатни берди: «Орангизда ким азоб чекаётган бўлса, ибодат қилсин».

## *Ибодатга оид маслаҳатлар*

- *Ибодат – бу имонлилар учун тенгсиз имтиёз.*
- *Душман бизга ибодатга оид ҳар хил ёлгонларни экади, аслида эса, ибодат нафас олишдек оддий ва табиийдир.*
- *Ибодатнинг ҳосилдорлиги, унинг давомийлигига боғлиқ эмас. Қисқа ибодатлар ҳам ўз-ўзича, ақлга сизмас ҳосилларни келтириши мумкин.*
- *Ибодатни мураккаблаштиришнинг ҳожати йўқ. Муҳими, улар самимий бўлиши лозим. Белгиланган ҳолатда ёки белгиланган сўзлар билан ибодат қилиш керак эмас.*
- *Ибодат, албатта, чиройли сўзлар билан айтилиши шарт эмас. Биз ўз дўстларимиз билан қандай гаплашсак, Худованд билан ҳам шундай гаплашишимиз мумкин.*
- *Худованд ибодатларимизни эшитиши учун, биз мукаммал бўлишимиз шарт эмас.*
- *Ибодат – синовларни енгийда, энг оддий ва натижали йўл ҳисобланади.*

## УЧИНЧИ БОБ

### Ибодат нафас олишдек, оддийдир

Эфесликларга мактуб 6:18 да, «Ҳар доим (ҳар қандай шароитда) барча ибодат ва илтижолар билан Рухда ибодат қилинглр...», дейилган. Бошқа сўз билан айтганда, Павел имонлиларни ҳар қандай вазиятда Муқаддас Рухнинг бошқарувига бўйсуниб, ҳар битта ҳодиса учун, ҳар хил турдаги ибодатларни қилишга ўргатапти. «Ҳар доим» ибодатда бўлиш, худди шундай «тўхтовсиз ибодат қилишни» (1 Салониликларга 5:7) ҳам билдиради. Аммо буни ҳаётимизда қандай амалга ошириш мумкин? Энг аввало, биз ҳамма нарса учун Худога миннатдор бўлишимиз ва барча ишларимизда Унга тўлиқ умид қилишимиз лозим. Биз қундалик ишларимиз билан шуғуллана туриб, Унга доимо ўз фикрларимизни йўналтириб туришимиз зарур. Худованд, ибодат бизнинг ҳаёт тарзимизга айланиши истайди, токи биз унга мажбуриятдек қарашни бас қилайлик, аксинча ҳаётимизнинг ажралмас бир қисми, барча машғулотла-

римизнинг пойдеворида ётган муҳим элемент, деб ҳисоблайлик. Худованд, биз У билан мулоқотда бўлишимизни ва доимо Унинг овозини эшитишимизни истайди, токи ибодат бизга ҳар куни куч ато қилсин ва бизнинг юрагимизни Унинг юраги билан боғласин.

### *Ҳар доим ва ҳар жойда*

Биз доимо ва ҳамма жойда ибодат қила олишимиз мумкин. Бизга «ҳар вақт, ҳар қандай шароитда» ва «тўхтовсиз» ибодатда бўлиш буюрилган. Албатта, биз қолган барча ишларимизни унутиб, бутун вақтимизни Худованд билан ёлғизликда ўтказа олмаймиз. Ибодат нафас олишга ўхшаши – ҳаётимизнинг узлуксиз, табиий ва ажралмас қисмига айланиши лозим. У барча ишларимизда бизга куч бағишлаши керак. Нафас олиш тизимимиз жисмоний ҳолатимизни ушлаб турганидек, ибодат ҳам, руҳий ҳолатимизни ушлаб туриши лозим. Биз баланд ва паст овозда, ўтириб, туриб ёки ётиб ибодат қилишимиз мумкин. Ҳаракатда бўлганимизда ҳам ёки бир ҳолатда турганимизда ҳам ибодат қилишимиз мумкин. Биз нарса харид

қилаётганда, навбатда турганда, йиғилишда бўлганда, уйни йиғиштирганда, машинада кетаётганда ёки чўмилаётганда ҳам ибодат қила оламиз. Биз қисқа ибодат қилишимиз мумкин: «Раббий, ҳаммаси учун миннатдорман», «Художон, шараф Сенга. Менга Сенинг ёрдамнинг керак», «Исо Масих, шу аёлга ёрдам бер, у жуда бахтсиз кўринаяпти». Ибодатга бундай ёндашиш, Худонинг иродасига қарши эмас. Шайтон биз мумкин қадар, кам ибодатда бўлишимизни истайди, шунинг учун, бизни белгиланган андазалар ёки қоидалар билан ибодат қилиш кераклигига ишонтиришга уринади.

Биздан нима учундир ибодат қилишни илтимос қилсалар, кўпинча ўзимизга шундай деймиз: «Бу вазият учун ибодат қилишни унутмаслик керак». Бу душманнинг айёрони усули. Нега энди шу оннинг ўзида ибодат қилмаслигимиз керак? Ибодат ҳақида нотўғри тасаввурга эга эканимиз туфайли, уни кейинга қолдирамиз. Ўз юрагимизга кулоқ солсақ, ҳаммаси анча осон бўлар эди, бироқ шайтон, ибодат бизга қийин туюлиши учун ҳамма нарса қилади. Унинг мақсади, биз доим ибодатни кейинга қолдиравериб, охири нима учун

ибодат қилишни унутиб қўйишимиздир. Истак ёки эҳтиёж туғилганда, шу заҳоти ибодатни бошланг. Бутун кун давомида ва ҳар қандай вазиятда ибодат қилиб, Худованд билан алоқани узмасликнинг имкони бор.

Бир марта, Томми Барнетнинг, «ярим соат» деган воизлигини эшитдим. У, вақт зиклигидан нолишни ўрнига, бор вақтимизни донолик билан тақсимлашга ўрганишимиз, ундан унумдор фойдаланишимиз лозимлигини гапирган. У, ҳамма китобларини ярим соатлик оралиқларда, ҳатто аэропортда учушни кутиб ўтирганида ёзганини, айтиб ўтди.

Бу фикр ибодатга умуман вақти йўқ бўлган одамларни жуда руҳлантиради. Кимдир: «Менда ярим соат ҳам йўқ», дейиши мумкин. Ҳечқиси йўқ – агарда, биз узлуксиз ибодатда бўлсак, 30 сонияда ҳам кўп нарсаларга улгуриш мумкин. *Модомики, биздаги кам вақт учун ҳам Худога миннатдорчилик билдиришни бошласак, У ибодат вақтимизни кўпайтиради.*

Биз, оммавий вақт етишмовчилик асрида яшаяпмиз ва доим қаергадир шошиламиз. Душман кўзлаган мақсадларини илдамлик билан амалга ошираяпти – у қундалик ташвишлардан бошимизни чиқармай, ибо-

дат ва Калом ўқишга ҳалақит беришга уринаяпти. Биз доимо чорасизликда юрамиз – бир нарсани тугатиб улгурмай, бошқа иш юзасидан, бошқа жойга югуриб кетамиз. На-тижада, ҳақиқатдан ҳам муҳим бўлган соҳа-ларни: оила, соғлиқ, Худованд, рухий ҳаётни ўстиришни унутиб қўямиз. Кейин, зарбалар-ни бошдан кечира бошлаймиз. Ҳаётимизда тартиб ўрнатишнинг ягона йўли – Худованд билан яқинлашиш ҳисобланади. Ҳаётимиз-ни Унинг иштирокисиз бошқара олмаймиз. Унинг ёрдамисиз, оғир юклар, алғов-далғов-лар ва зарбаларга бардош беришга қурбимиз етмайди. Борди-ю, биз Каломни ўрганиш ва ибодат қилишга вақт ажратмасак, оила-да, фарзандлар тарбиясида, моддий соҳада, одамлар билан муносабатларда юзага кела-диган муаммолардан қочиб қутула олмай-миз. Агарда, биз муаммоларни мустақил ра-вишда ечишга уринмай, ҳаммаси учун ибод-дат қилишни бошласак, Худованд бизларга куч, хотиржамликни сақлаш ва содир бўла-ётган воқеаларга донолик билан ёндошишни беради. Муқаддас Китобда, Раббийга умид қилган киши кучда янгиланади, ҳар қандай вазиятда енгиб чиқади ва чарчаб қолмайди,

деб ёзилган (Ишаъё 40:31). Бунинг учун, кам бўлса-да, бор бўлган вақтимиздан фойдаланишни бошлаш керак.

Ким бўлишингиздан қатъий назар: она, ўқитувчи, чўпон, бир тизимдаги иш бошқарувчи, бошлиқ, механик ёки нейрохирург – сиз доим бандсиз. Сиз, ишдаги вазифалардан ташқари, уйдаги фарзандларингиз учун ҳам гамхўрлик қилишингиз керак. Яна, ижтимоий ва жамоатдаги фаолиятимиз, маркетга бориш, уй йиғиштириш, ҳисобларни тўлаш бор. Бунчалик бандликнинг орасида, ҳамма, бир оз бўлса-да, танаффус олишни истайди.

Шунча нарсага улгуриш талаб қилинган жойда, ибодатга қаердан вақт топиш мумкин?

Жумладан, сизнинг ёш болаларингиз бор, уларни эртадан кечгача таглигини алмаштириб, уйни тозалаб чарчайсиз. Шунинг орасида ҳам, бир неча дақиқа ибодатга вақт ажратсангиз бўлади: «Исо Масих, мен Сени севаман. Раббий, мени мустаҳкамлагин, менга куч бергин. Мен жуда чарчадим. Художон, менга Ўз июннингни бергин. Болалар билан гаплашганимда, менга сабр-тоқат бергин, чунки менинг асабларим таранглашиб кет-

ган. Эрим ишдан қайтганида, унга тўғри муносабатда бўлишга ёрдам бер. Исо Масих, раҳмат Сенга. Вой, қайсидир йиғлаб қолди, Раббий, мен боришим керак».

Худованд билан бундай тарзда мулоқот қилишнинг ёмон жойи йўқ. Балки бу ибодат жамоатда эшитган ибодатдан фарқ қилар, аммо у самимийликда қилинса натижа олиб келади. Гўзал газламадаги ранг-баранг ипақлар сингари, тўхтовсиз ибодат ҳам, кундалик ҳаётимизга шундай тўқилган бўлиши зарур.

Борди-ю, сиз оилангизга ғамхўрлик қилиб ва доимо ишлаб, ибодатга улгурмаётган бўлсангиз, унда бошқа ишлар билан бандлигингизда ибодат қилинг. Масалан, машинангизни ёғини алмаштираётиб ибодат қилишингиз мумкин: «Раббий, Сени улуғлайман. Сенинг менга нисбатан эзгулигинг ва шавқатинг учун раҳмат. Мени ҳақ инсон, яхши эр ва ота қилгин. Оиламга ғамхўрлик қилишни ўргат. Вақтимни тўғри тақсимлашимда ёрдам бер. Одамларни севишга кўмак бер. Гуноҳларимни кечир. Раҳмат Сенга Исо Масих. Мени тушликка чақиришяпти, мен боришим керак. Раббий, ҳаммаси учун раҳмат».



Сизнинг оилангиз бўлмаса, аммо доим мансабингиз билан банд бўлиб, ҳеч нарсага вақтингиз етмаётган бўлса, - унда машинада кетаётиб Худованд билан суҳбатлашинг. У, ишингизда ёрдам бераётгани учун, миннатдорчилик билдириш, Ундан тадбиркорлигингизни ривожлантирадиган ғоялар беришини сўранг. Лифтда кетаётганда шивирлаб ибодат қилиш мумкин: «Исо Масих, Сен менинг Нажоткорим эканингдан қанчалик хурсандман. Менга кўмаклашаётганингдан миннатдорман. Ҳамкасбларимга Сен ҳақингда яхшироқ сўзлаб беришга, тушқунликда юрганларга меҳрибонлик кўрсатишга ёрдам бер. Раббий, менга бўронларнинг орасида хотиржамликни сақлашни ўргат. Художон, Сенинг иноятинг учун раҳмат». Вақт танқислигидан нолимай, бор бўлган вақтдан унумли фойдаланинг.

Худованд биздан, Уни улуғлаб, икки оғиз сўз билан, Ундан ниманидир сўраб, нима учундир миннатдорчилик билдиришимизни эшитишни истайди. Ўйлаб кўринг, ҳар сафар фарзандларингиз ёнингизда бўлганида: «Ойижон (дадажон) мен сизни яхши кўраман» – десалар, қанчалик ёқимли бўлади. Фарзанд-

ларимдан бири хонамнинг ёнидан ўтаётиб: «Ойи, сиз ажойиб аёлсиз!» – деса, мен куннинг охиригача кўтаринки кайфиятда юрман. Одамларга доимо, уларни қадрлашимизни айтиб турсак, бу муносабатларимизни ривожига ва яқинлигига замин яратади. Худобага нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлсак, У билан мулоқотимиз чуқурроқ ва мустақамроқ бўлиб бораверади. «Ҳар доим ва ҳар жойда»ги ибодат орқали, биз У билан доимий аълоқада бўламиз. Бу Унда жуда ёқади.

Мен асло, фақат бошқа ишлар билан банд бўлганимизда ибодат қилишимиз керак, деб айтмаяпман. Биз Худовандга тегишли хурматни билдириб, У билан суҳбатга алоҳида вақт ажратишимиз зарур. Бироқ, бутун кун давомида, ҳар хил ишлар билан машғул бўлганда, ибодатда бўлиш, ибодат учун алоҳида ажратилган вақтдек, муҳим. Унисини ҳам, бунисини ҳам қўлланг, мабодо, ҳеч қайсига улгурмаётган бўлсангиз «ҳеч нарсадан кўра, ками яхши», деган шиор билан ҳаракат қилинг. Белгилаган вақтда ибодат қилишга имкон бўлмай қолса, ўзингизни айбдор ҳис этманг. Кун давомида бошқа ишлар билан шуғулланаётиб, ибодатда бўлинг.

## *Рухда ибодат қилиш*

Эфесликларга мактуб 6:18 да, нафақат «доимо» ибодатда бўлиш, балки «Рухда» ибодат қилиш ҳақида ёзилган. Рухдаги ибодат, ўзимизни калламизга келган нарсалар бўйича ибодат қилиш эмас, Рухга бизни ибодатда бошқаришига имкон беришни билдиради. Имонлилар «Рухдаги ибодат»га турли хил таъриф берадилар. Буни кенг миқёсда тушунадиган бўлсак, ибодатда Муқаддас Рухнинг ордидан бориш, У ундаётган нарсалар учун ибодат қилишни билдиради. Ўз истакларимиз бўйича ҳаракатланишни ва тил учидан ибодат қилишни ўрнига, Рухга қулоқ солишни англади. Рухдаги ибодат, Худонинг ҳузурда сабр билан вақт ўтказишни ва Унинг бошқарувини кутишни назарда тутади.

Аксарият ҳолларда, биз шунчалик ташвишлар билан тўлган ва фақат ўз муаммоларимизга диққат қаратган бўламизки, Худованд билан суҳбатни бошлаб, уни тезроқ тугатишни истаймиз. Кўп ҳолларда, ибодатларимиз худбинлик ҳиссидаги ўзимизнинг эҳтиёжларимизга қаратилган. Биз Худонинг олдига муаммо юқларимиз билан келамиз ва уларни

тезроқ ўзимиздан фориғ қилишга уринамиз. Биз ўзимиз ҳақимизда, ўз фикримиз бўйича, бизга фойда келтирадиган ва бизни бахтли этадиган нарсаларни сўраймиз. Худованд, ибодатда бизга йўл кўрсатиши учун имкон беришнинг ўрнига, биз «мажбур» бўлган ва бизга муҳим кўринган нарсаларни сўраб, ибодат қиламиз. Ибодатдан қониқмаслик ва охиригача ибодат қилмаганлик ҳиссининг сабаби, биз ибодатда ҳаддан зиёд ўзимизга диққат қаратамиз. Ибодатнинг – самаралироқ ва тўғрироқ йўли бор, Худодан руҳланиш. Очиғини айтсам, мен ўзимча ибодат қилсам, ўн беш дақиқа ўтса ҳам, кўнглим тўлганини сезмайман. Муқаддас Руҳ бошқарганида эса, икки оғиз сўздан сўнг ҳам натижага эришганимни ҳис этаман.

Худбинлик ибодатларидан Руҳ бошқарувидаги ва У билан тўлган ибодатларга ўтишимиз зарур. Ибодатга ва Худо билан муносабатимизга нисбатан тушунчамизни ўзгаришини истасак, Худованд ундаётгандек ибодат қилиш лозим. Ўзимиз истагандек ибодат қилсак, ибодатларимиз фақат ўзимизга қаратилган бўлади: соғлиғимиз, фаровон яшашимиз, моддий муҳтожликларимиз, турмушда дуч келаётган қийинчи-

ликларимиз, оиламиз ва бизга дахлдор бошқа нарсалар. Агарда биз, ички ҳолатимиз, фикрларимиз, ниятларимиз, Худованд билан муносабатимиз учун ибодатда бўлсак, Худованд ташқи ҳаётимиз учун ғамхўрлик қилади.

Мен худбинларча ибодат қилишни тўхта-тиб, Исо Масиҳнинг ибодатлари тўғрисида фикр юритишни бошлаганимда, ибодатларим менга ақл-бовар қилмас қониқиш олиб келишни бошлади. Худодан муҳтожликларимизни қондиришни сўрашимизнинг ёмон жойи йўқ. Биз Ундан дадиллик билан ёрдам сўрашимиз ва бунинг учун ҳижолат бўлмаслигимиз мумкин. Шундай бўлса-да, бизнинг руҳий етуқлигимизни, кўпроқ, нималар учун ибодат қилишимизга қараб аниқлаш мумкин.

Муҳтож бўлган нарсамизни Худодан сўраш, бу табиий ҳол ва бунинг ҳеч ноҳўя томони йўқ, аммо буни ибодатимизнинг асосий мавзусига айлантирмаслигимиз лозим. Биз сўрашимиздан аввал, Худованд биз нимага муҳтож эканимизни билади. Биздан талаб қилинадиган нарса – муҳтожлигимизни қисқача ифодалаб, У бизлар учун тўлиқ ғамхўрлик қилишига умид қилишимизни айтишимиздир. Бундан сўнг, биз бошқалар-

нинг эҳтиёжларига, Осмон Шоҳлигининг ўсишига, руҳий ҳаётимизнинг қайсидир томонига диққат қаратишимиз лозим. Мисол учун, менга янги кўйлак сотиб олишдан кўра, ҳар қандай шароитда ижобийликни сақлаб қолиш муҳимроқ. Мен янги уй сотиб олишдан кўра, одамларга яхши муносабатда бўлиш ва уларга катта севги билан ёндошиш ҳақида кўпроқ ўйлайман. Менга муваффақиятли мансабдан кўра, одамларга таълим беришимиз учун донолик анча муҳимроқ.

Мана, ибодатда Руҳнинг ортидан боришининг яна бир мисоли. Тасаввур қилинг, сиз иккита бебош ва қулоқсиз болаларни катта қилаяпсиз. Ибодатда, Худога қичқиришдан берироқ бўлиб, улар қанчалик асабларингизни чарчатгани ҳақида айтасиз. Сиз Худога нолийсиз ва ўз азобларингизни тўкиб-соласиз. Ибодатдан сўнг, фарзандларингизга яна қичқирасиз, улар ўзларини жуда ёмон тутаётганини ва бу туриш, уларни яхшиликка олиб бормаслигини айтасиз. Бундай вазият оилангиздаги тартибсизликдан, доимий жанжаллардан, турмуш ўртоғингиз ҳам, сиз сингари бахтсизлигидан гувоҳлик беради. Ибодатни, Худованд билан суҳбатни ўрнига, арзларга айлантириб

юбориш, жуда осон. Шунга ўхшаш ибодатлар билан, сиз Ундан ёрдам ололмайсиз.

Худога барча шикоятлирингиз билан келишни бас қилиб, Ундан руҳланган ибодатларни бошласангиз, бир талай яхши томонга ўзгаришларни гувоҳи бўласиз. Худодан руҳланган ибодат, юқорида айтиб ўтган аёлнинг оғзида, қуйидагича жаранглаши мумкин: «Художон, фарзандларимнинг тарбиясидан жуда хафман, аммо Сенинг Сўзингда, фарзандлар – Раббийдан мерос, мукофот сифатида мендан туғилган ҳосил, улар жангчининг қўлидаги ўқларга ўхшайди, деб ёзилган. Шу билан бирга, Каломда, уларнинг осойишталиги тўлиб-тошадди, дейилган. Шундай экан, Художон, миннатдорчилик билан ёнинга келаман ва фарзандларимни тарбиялашда Сендан донолик сўрайман. Раббий, уларни безовта қилаётган нарсаларни тушунишга ва уларга кўмаклашишга ёрдам бергин. Менинг юрагимни уларга нисбатан севги билан тўлдиргин».

Мана шундай сўрашни бошласангиз, сиздаги ғазаб ва аччиқланиш вақт ўтган сайин, изсиз йўқолиб кетади. Фарзандларингизни Худонинг севгиси билан севишга ўрганасиз, уйингизда эса, секин-аста хотиржамлик ўрна-

тилади. Ҳиссиётлар таъсири остида ва фақат шу лаҳзалик муаммога эътиборни тўплаб, ўзингиз сўраган болаларга нисбатан норозилик ва шикоят билан ибодат қилишни тўхтатсангиз ва У учун муҳимроғи – юрагингизни ҳолати учун сўрасангиз, Худованд вазиятларни яхши томонга ўзгартира бошлайди.

### *Муқаддас Рухга, сизни бошқаришига имкон беринг*

Худованд бизга ибодат қилишни ўргатганида, У ибодатнинг энг муҳим жиҳатларидан бири – Муқаддас Рухнинг ортидан боришни кўрсатади. Шак-шубҳасиз, ибодатнинг энг ҳосилдор йўли – Муқаддас Рухдан бизни бошқаришини сўраш, ҳисобланади. Бунинг учун Худонинг ҳузурига келиб, Ундан нималар ҳақида ибодат қилишни; бизнинг онгимизда туғилган нарсани эмас, Унинг юрагидан оқиб чиққан нарсани сўрашимиз керак. Биз фақатгина ўз истакларимиз бўйича ибодат қилишни тўхташимиз лозим. Ибодат бизнинг муҳтожликларимизни қондириш йўлидаги оддий сўровлардан-да анча юқорироқдир. Агар, Ундан нима ҳақида ибодат қилишни сўрасак,



жавобни кутсак ва У ундаётгандек йўл тутсак, Муқаддас Рух ибодатда яширинган, ақл-бовар қилмас бойлик ва баракаларни очади.

Худованд бизга ибодатнинг мавзусини айтишини кутиб ўтиришга вақтим йўқ, десак, ўзимизни ниҳоятда аҳмоқона тутган бўламиз. Ошхонада бизга қирқ беш дақиқадан сўнг овқат олиб келишларини камтарлик билан кутиб ўтираемиз, Худовандни кутишга эса, вақт етишмайди. Аслида, Худовандни бошқарувини кута олсак, биз жуда кўп вақт ва кучни тежаган бўламиз. Мустақил равишда ибодатнинг мавзусини танлашга уриниш ва мажбуран ибодат қилиш – ўта зерикарли машғулот. Бундай уринишлар, аксарият ҳолларда, натижасиз қолади, чунки улар иноятга асосланмаган. Бизнинг руҳимизга руҳий дунёда ниманидир ўзгартира олгани, ибодатимиз ўз натижасини топгани доимо аён – лекин баъзида, онгимиз бизни тескарисига ишонтиришга уринади.

Мен нима ҳақда сўрамай: фарзандларим, ўзим, хизматим, қўшнилариим, ер шарининг бошқа томонида содир бўлган офат – Раббийнинг бошқарувини кутиб турмагунимча, бу ибодат самарали бўлмайди. Одатда, мен қуйидаги сўзлар билан бошлайман: «Худо-

жон, мен шу киши учун ибодат қилмоқчи-ман. Сен бу ҳақда нима деб ўйлайсан? Бу вазиятда нима деб сўрашимни менга аниқ қилиб айтгин». Кўпинча, бир неча сониялардан сўнг, онгимга маълум бир тимсол ва фикрлар келади. Шундан сўнг, ибодатни қандай олиб боришни тушунишни бошлайман.

Ҳар сафар, Муқаддас Рухнинг бошқаруви-ни сўрашдан бошласак, ибодатда зерикишга ўрин қолмайди, чунки шу тарзда, ҳар сафар, ҳар хил одамлар ва вазиятлар учун ибодат қиламиз. Ибодатда янгилик бўлиб турмаса, у қоқлашиб боради, бироқ Муқаддас Рухда доим гўзал ва кутилмаган ғоялар бор. Боз устига, У бизни ибодатда бошқарганида, чалғиб туришга мойил онгимиз ҳам бизга таъсир ўтказишни тўхтатади. Яна, биз фарз юзасидан, расман ва зерикарли бўлмай қолади. Биз Худони қизиқтирадиган нарсаларни сўраймиз, Муқаддас Рух эса Худованд билан суҳбатимизга янгиликлар киритади.

Муқаддас Рухдан, ибодатда сизни бошқаришни сўрасангиз, сиз кўпроқ эркинликни хис этасиз, заруриятсиз ва қониқиш билан ибодат қилишни бошлайсиз. Сизда, ўқиган ва эшитган барча муаммолар учун ибодатда

туриш мажбурияти бўлмайди. Биз тушунишимиз керакки, бизнинг вазифамиз – Худованд эътиборимизни атайлаб қаратган нарса учун, ҳамда бизнинг зиммамиздаги одамлар ва вазиятлар учун ибодатда бўлишимиз зарур. Мен, бошқалар Худодан сўраётган нарсани сўрамасам, ҳеч ҳам ўзимни айбламайман. Чунки, Худованд турли хил нарсалар учун ибодатни, ҳар хил одамларга беришини биламан. Агар, ҳамма Худованд берган мавзуда, Муқаддас Рухнинг бошқарувида ибодат қилса, дунёда ибодатдан четда қолган бирорта ҳам муаммо қолмайди.

Биз Муқаддас Рухнинг бошқаруви билан, бизга эслатган ҳамма нарса учун, бизни ундаган вақтгача ибодат қилишимиз зарур. Бизнинг қулоқларимиз Унинг овозига созланганида, Унинг топшириқларини эшитамиз, Унга чиндан ҳам муҳим бўлган нарсаларни тушунамиз ва Унга маъқул тарзда ибодат қиламиз. Бу эса, доим ажойиб ҳосиллар келтиради.

## ***Онг билан қилинадиган ибодат***

Павел: «Мен руҳ (менда яшаётган Муқаддас Рух) билан ҳам, онг билан ҳам ибодат қи-

ламан», (1 Коринфликлар 14:15) деган. Ибодатни бошлаш учун, ҳар доим ҳам Худодан аниқ топшириқни кутиб ўтириш шарт эмас. Биз онг билан ибодат қилишимиз ва шу билан бирга, Руҳнинг бошқарувига ҳам эътиборли бўлишимиз мумкин. Биз ҳар доим ҳам, Руҳ ҳаракатининг кучайиши ёки сусайишининг сабабини билмаймиз. Баъзида Муқаддас Руҳнинг кучи аниқ-равшан намоён бўлади ва биз Унинг у ёки бу томонга бошқараётганини сезамиз. Руҳни овозини умуман эшитмай, Унинг ҳаракатини ҳис қилмайдиган пайт ҳам бўлади. Бундай пайтларда, онгимиз билан тушунган нарсадан келиб чиқиб, ибодатни бошлаш керак. Шундан сўнг биз, ёки Руҳнинг бошқарувини ва кучини сезамиз, ёки Руҳ сукут сақлаб туради. Бундай вазиятда бошқа мавзуга ўтиб, Худованд нима учун ибодат қилишни очгунича кутиб турамыз.

Агар, ибодат учун аниқ муҳтожликларни кўраётган бўлсангиз, кутиб турмасдан, улар учун ибодат қилишни бошланг. Ўша муҳтожликлар учун ибодат қилаётиб, тез орада, Худонинг иродаси бўйича сўраяпсизми, йўқми, билиб оласиз. Сиз, ёки ибодатда ўзгача енгилликни ҳис этасиз ва сўзлар ўзидан-ўзи

оқиб чиқаверади, ёки қийналиб сўз топасиз ва мажбурлигингиздан расман ибодат қиласиз. Рухдаги ибодат Рух билан ҳамкорликни кўзда тутаяди. Биз мустақил равишда ибодатни бошлашимиз, шу билан бирга Муқаддас Рухнинг иштирокини, кўмагини ва ибодат учун зарур кучни беришини кутишимиз мумкин.

### *Ибодатдаги қаршилик*

Бизнинг ибодатда Муқаддас Рухнинг ордан бориш ҳаракатимиз, тез-тез турли хил қаршиликларга учрайди. Аксарият қаршиликлардан бири, кўрқув – офат, касаллик ёки жиддий муаммо кўрқуви эмас, балки арзимаган нарса юзасидан ноқулайликнинг азобли ҳисси ва ҳавотир ҳисобланади. Шайтон бизга кўрқувни ёпиштиришга ва дадил ибодатга ҳалақит беришга уринади. У, биз Худонинг қаршисига имон билан эмас, кўрқувда келишимизни истайди. У доимо, бизнинг камчиликларимизни ва гуноҳларимизни эслатиб туради, ҳамда Худодан бирор нарса ҳам сўрашга лойиқмаслигимизни уқтиради. Бироқ, Калом бизни бир неча марта Худонинг тахтига дадиллик билан келишга чорлаяпти (Эфесликларга 3:12).

Айрим инсонларнинг ҳаёти майда-майда қўрқувлар билан тўлган. Бундай одамлар кўпинча шундай дейдилар: «Тирбандлик туфайли ишга кеч қолишдан қўрқаман», «Гўшти куйдириб юборишдан қўрқаман» ёки «Шанба куни ёмғир ёғиб қолишидан қўрқаман». Бу ваҳималар, қанчалик кичик бўлмасин, ибодатимизга тўсқинлик қилади, чунки улар бизни хавотир ва безовталиққа диққатимизни қаратади. Душманга бундай майда нарсалардан фойдаланишига ва ҳаётингизга доимий қўрқув вирусини юқтиришига йўл қўйманг. Ибодат қилинг ва Худога ишонинг.

Хавотир билан тўлган, юзаки фикр ва гап-сўзларни қисқа, оддий ибодатларга алмаштиринг. Менинг шиорим – ҳамма нарса учун ибодат қил ва ҳеч нарсадан қўрқма. Ибодат ҳаёт тарзимизга айланишини истасак, унга тўсқинлик қиладиган онгимиздаги барча одат ва қолиплардан қутулишимиз зарур. Муқаддас Рух, сизга бу нарсада қўмаклашмоқчи, Ундан сизни ёмон одатлардан озод қилишини ва доимо Худованд билан алоқада қоладиган тўхтовсиз ибодатда бошқаришини сўранг. Биз ибодатда Муқаддас Рухга эргашишни ўргансак, ибодатларимиз биз учун нафас олишдек оддий ва табиий бўлиб қолади.

## Рухий етуклик

Ибодат бизга рухий ўсишда ёрдам беради. Биз рухий ўса бошлаганимиз сари, ибодатларимизнинг маҳсулдорлиги ва самарадорлиги ошиб боради. *Ибодат доим такомиллашиб боради. Бу эса, қўлга киритиш эмас, ривожланиш қобилиятидир.* Биз, жадал равишда, ибодат қилишни ўрганиб борганимиз сари, ибодатларимиз ҳосилдор бўлиб боради. Биз, Муқаддас Рухга қулоқ солишни, Унга эргашишни, улкан аминлик билан сўрашни, Худованд билан энг баланд поғонада мулоқот олиб боришни ва Унинг овозини аниқроқ эшитишни ўрганамиз.

Сиз, ибодатнинг бошида қониқишни ҳис қилиб, кейин сабабсиз зерикиш ёки чарчоқни ҳис қилганмисиз? Бирор марта, ибодатларингизда нимадир нотўғри, деган тушунтириб бўлмайдиган ҳисни сезганмисиз? Ибодатингизда ўзингиз тушунмайдиган нарсани ўзгартириш хоҳиши келганми? Ўзингиз истамай, балки одат юзасидан ибодат қилаяпман, деган фикр келганми? Ибодат вақтида толиқишни ҳис этганмисиз? Борди-ю, ўзингизда юқоридагилардан бирортасини кузат-

ган бўлсангиз, ҳойнаҳой, Муқаддас Руҳ сизга ниманидир тушунтирмоқчи.

Сизнинг ички инсонингиз (руҳингиз, Худованд билан суҳбатлашадиган қисмингиз), иботингиздаги ҳамма ўзгаришларни биледи, чунки руҳингизда яшаётган Муқаддас Руҳ сиздаги муаммоларни ва тўғирлаш керак бўлган нарсаларни кўрсатиб туради. Бундай ҳолат, Худога биз юқорироққа интилаётганимиздан хабар беради ва У бизга кейинги поғонага ўтишни таклиф қилади. Баъзида, ибодатдан қониқмаслик ҳисси, Худованд бизни нимагадир ўргатишга, ҳамда У билан янада теран ва яқин муносабатларга чорлаётганидан келади. У бизни, қайси поғонада бўлишимиздан қатъий назар, севади, бироқ биз бир жойда тўхтаб қолишимизни истамайди. Бу нафақат ибодат соҳасига, балки ҳаётимизнинг барча соҳаларига ҳам тегишлидир.

Худованд, биз қувончда яшаб, ҳаётимиздан мамнун бўлишимизни истайди, аммо биз бир жойда туриб қолмаслигимиз учун, У одат бўлиб қолган ишларимиздан қониқмасликни сезишга мажбурлайди. Худованд, Унга мурожаат қилиб, кейинги қадамни аниқлаб олишимиз учун ундайди. У бизни янада ба-



ландроқ поғонага кўтаришни хоҳлайди. Эҳтимол, У бизни ибодатимизни янгилашимизни ёки ибодатда кўпроқ вақт ўтказишимизни истар. У, фақат эрталаблари ибодат қиладиган киши, туш пайтидаги бўш вақтида ҳам У билан суҳбатлашишини истайди. Худованд инсонни, кейинги қадамини қаерга қўйишини билиши учун, ибодат мавзусини чуқурроқ ўрганишга ундаши мумкин. Балки, ёлғизликдаги ибодатга ўрганган киши, ибодат учун доимий биргаликда йиғиладиган гуруҳга қўшилишини хоҳлаши ҳам мумкин.

Худони, У билан муносабатларимиз янада яқинроқ бўлиши учун, биз ибодат орқали кучлироқ бўлиб, руҳий нарсаларни чуқурроқ тушуниб боришимиз қизиқтиради. У, кўпинча, бизни қулай жойдан олиб, бизнинг улғайишимизга замин яратадиган вазиятларни вужудга келтиради. Бундай вазиятларда, яъни Худованд бизни ибодатга ўргатаётганда, биз айбдорлик ҳисси, умидсизлик ва норозиликка тушмасликни ёдда тутиш лозим. Муҳими – бизнинг тушиб қолган ҳолатимиз нима билан боғлиқлигини тушуниш керак. Ичимиздаги ноқулайлик, норозилик ва безовталик душманнинг фитналари туфайли келган

бўлиши ҳам мумкин, ахир у доимо ибодатимизга халақит бериш пайида юради-ку?!

Шайтон – ёлғончи. У, бизни ибодатларимиз ҳеч вақони ўзгартира олмаслигига ва улар ҳеч бир қимматга эга эмаслигига ишонтирса, хурсанд бўлади. Ибодатларимизда тушунарсиз ҳолатни сезсак, Худодан нима содир бўлётганини сўрашимиз ва Ундан жавобни кутишимиз лозим. У бизга сабабини кўрсатади: ёки Худованд бизни ибодатда янги поғонада кўтармоқчи, ёки шайтон ибодатимизни йўқ қилмоқчи. Шайтон ибодатдан нафратланади ва бизга халақит бериш мақсадида, бор кучини ишга солади. Худованд, биз ибодатдан хурсандчилик олишимизни истайди. У бизни қандай бўлсак, шундайлигимизча қабул қилади ва ҳеч ҳам бизни айбламайди. У юракдан чиқаётган бир оғиз ва оддий ибодатни ҳам эшитади. У ҳамиша имон ва самимийликни тақдирлайди. Шу билан бир қаторда, У бизни руҳий чақалоқ бўлиб қолиб кетишимизни истамайди ва бизни имон, куч ва ҳосилдорликнинг янада баландроқ поғонасига ўтишга ундайди.

Ҳар бир кишининг ибодати ўзига хосликка эга, шундай экан, Худонинг махсус бошқару-

вига суюнинг. Ибодат – бу машаққатли меҳнат ва Худони лол қолдиришга уриниш эмас, балки У билан мулоқот. Мен юқорида айтиб ўтганимдек, бошқаларга ўхшаш бўлишга ва бошқани ибодатини қайтаришга уриниш керак эмас. Эҳтимол, ўша инсон, мана шундай поғонага эришиш учун йиллар сарфлагандир, биз эса, Худованд билан муносабатларимизни эндигина бошлаган бўлишимиз мумкин. Ибодатда бошқалардан анча тажрибасиз эканимизнинг ёмон жойи йўқ. Ибодатдаги тажрибамиздан қатъий назар, Худованд бизни эштади ва жавоб беради. Биз ўзимизни бошқалар билан таққосласак, бизга бахтсизлик ҳисси келади. Худони эса, ўрганаётганимиз ва ўсиб бораётганимизнинг ўзи қувонтиради.

Бир кишининг ибодати бошқаникидан кўпроқ натижали, кимдир имони кучлироқ, кимдир Худонинг йўлларини яхшироқ тушунади, яна кимдир кўпроқ итоатгўй, кимдир, бошқаларга нисбатан, Каломни ўрганиш учун кўпроқ вақт сарфлайди. Баъзида, инсон ибодатнинг янги поғонасига ўтишга тайёр бўлади, аммо ҳал этишни талаб қиладиган муаммолар туфайли жойидан силжий олмайди. Жумладан, киши Худованд билан

чуқурроқ муносабатларга эришишдан аввал, кимнидир кечириши лозим. Кимдир, ишидаги янги имкониятлардан фойдалана олишидан аввал, у Худонинг севгисига ишониши талаб этилади. Барчамиз, нимадандир бошлаймиз ва қаергадир ҳаракат қиламиз. Худованд биз турган поғонадан бошлашга ва кейин ўсиб боришга ёрдам беради.

Ибодат турғун эмас, у доимо ривожланиб боради. Ҳеч ким ибодатни мукамал тарзда билиб олиш қобилиятига эга эмас, зеро Худо билан муносабатларимиз чуқурлигининг чегараси йўқ. Ибодат поёнсиз камолотга эришиб, теранлашиб, жадаллашиб, самарадорлиги ошиб боради. Ибодат қилиш қобилиятимиз, вақт ўтган сайин, ривожланади ва яхшироқ тус олади. Биз ҳеч қачон ибодат соҳасида, шуҳрат қозонган мутахассис бўлмаймиз ва Худованд билан муносабатларни ўрганишда тўхтамаймиз. Бизнинг тажрибамиз доимо бойиб ва теранлашиб боради.

Эҳтимол, сиз тайинланган нуқтага етиб келмадингиз, лекин сиз Худога, бир кун мақсадга олиб борадиган тўғри йўлни танлаганингиз учун миннатдорчилик билдиринг. Эмакляяпсизми, юраяпсизми ёки югура-

япсизми – бу муҳими эмас. Муҳими, сиз аниқ йўналишдасиз. Тўхтаб қолманг!

## *Қисқа хулосалар*

Худованд, биз ибодат учун вақт ажратишимизни истайди, аммо У биздан янада кўпроғини кутади. У учун, биз кун давомида оддий ибодатларни қилишимиз муҳим, токи ибодат бизнинг ҳаёт тарзимизга айлансин ва ҳар бир кундалик ишимизда бизга қувват бағишласин. У, биз Унга раҳмат айтишни унутмаслигимиз учун, юрагимиз миннатдорликка тўлган бўлишини истайди. Ҳар қандай вазиятда, биз Ундан ёрдам сўрашимиз ва кундалик ишларимиз билан шуғуллана туриб, У билан мулоқотда бўлишимиз, Уни қувонтиради. Худованд бизни севади. У, биз Унинг ҳузурини доимо англашимизни ва У билан тўхтовсиз суҳбатда бўлишимизни хоҳлайди. Ибодат сизнинг ҳаёт тарзингизга айланишига тилақдошман.

Биз доимо ўрганишда бўламиз, ибодатларимиз янада маҳсулдор бўлишига ҳаракат қиламиз, ҳамда Худованд билан муносабатлардан келадиган марҳамат ва бойликларни аниқлашда тўхтамаймиз. Агар, биз Муқаддас

Рухдан, ибодатда бизни бошқаришини сўрасак, шунда улар теранроқ, мазмундорроқ ва самаралироқ бўлади. Ибодат – бу доимо такомиллашиб борадиган тажриба. Биз ибодатни қанча амалда қўлласак, шунча ривожланиб борамиз. Муқаддас Рухга зийракроқ бўлсак, Худованд ундаётганидек ибодат қилсак ва Унинг йўл-йўриғига эргашсак, У бизга руҳий ўсишда ёрдам беради, ҳамда ибодатнинг янги поғонасига кўтаради.

### *Ибодатга оид маслаҳатлар*

- *Биз ҳар вақт ва ҳар қандай вазиятда ибодатда бўлишимиз лозим. Биз ҳар доим ва ҳар жойда ибодат қила олишимиз мумкин. Ибодат биз учун нафас олишдек табиий бўлиши керак.*
- *«Ушбу мавзу учун ибодат қилишни унутмаслигим зарур», деган фикр – бу душманнинг тузоғи ҳисобланади. Худованд бизнинг самимий, қисқа ибодатларимизни эшитади ва эҳтиёж сезган заҳоти, ибодатни бошлашимиз мумкин.*
- *Кўпчилигимиз ишлар билан бандмиз, бироқ кундалик машғулотларимиздан узилмасдан ҳам, ибодатда бўлишнинг имкони бор. Биз ўз*

*вақтимиздан маҳсулдор фойдаланишни ўрганишимиз лозим.*

- *Биз Рухда, яъни Худованднинг хоҳиши бўйича ибодат қилишимиз ва Муқаддас Рухдан ибодатда бизни бошқаришни сўрашимиз керак.*
- *Ўдингизда бўлсин, ибодатимиз доим такомиллашиб боради. Ўз ибодатларимиздан қониқмасликни ҳис этсак, бу Худованд бизни руҳий етукликнинг янги погонасига, имон ва маҳсулдорликка кўтармоқчилигини билдиради.*
- *Худованд, биз ўз ибодатларимиздан завқ-шавқ олишимизни истайди.*

## ТАВБА ИБОДАТИ

Худованд сизни севади ва У билан яқин муносабатларга эга бўлишингизни истайди. Сиз ҳали, Исо Масиҳни Раббим ва Нажоткорим, деб қабул қилмаган бўлсангиз, буни ҳозирнинг ўзида амалга оширишингиз мумкин. У учун юрагингизни очинг ва қуйидаги сўзларни айтинг:

«Отажон, Сенинг қаршингда гуноҳкорман. Ўгинаман, мени кечиргин. Мени поклагин. Сенинг Ўғлинг, Исо Масиҳга ишонишга ваъда бераман. У мен учун ўлганига: У хочда ўлаётиб, менинг гуноҳларимни Ўзига олганига ишонаман. Уни ўлимдан тирилганига ишонаман. Ва, ҳозирнинг ўзида, мен ўз ҳаётимни Унга топшираман. Отажон, кечирим ва абадий ҳаёт инъоми учун миннатдорман. Илтимос, Сен учун яшашимга ёрдам бергин. Исо Масиҳ номи билан. Омин».

Агар сиз бутун юрагингиз билан сўраган бўлсангиз, Худо сизни қабул қилди, поклади ва руҳий ўлим кишанларидан озод этди. Қуйида келтирилган оятларни ўқинг ва ўрганиб чиқинг. Худодан, сизга Уни эшитишга ёрдам беришини сўранг, зеро энди сиз, У билан янги ҳаётни бошлаяпсиз.

Юҳанно 3:16

1 Коринфликларга 15:3-4

Эфесликларга 1:4

Эфесликларга 2:8-9

1 Юҳанно 1:9

1 Юҳанно 4:14-15

1 Юҳанно 5:1

1 Юҳанно 5:12-13

Худодан Унинг Каломидаги таълимотларни соғлом тарзда воизлик қиладиган, Масиҳни яхшироқ таниб-билишда ва руҳий ўсишда ёрдам берадиган яхши жамоатни топишда кўмак сўранг. Худованд доимо сиз билан. У сизни ҳар куни йўналтиради ва сиз учун тайёрлаб қўйилган фаровон ҳаётда яшашни кўрсатади.



## СИЗНИНГ ХАТЛАРИНГИЗНИ УШБУ МАНЗИЛ БЎЙИЧА КУТАМИЗ:

Joyce Meyer Ministries  
P.O. Box 655  
Fenton, MO 63026  
USA

(636) 349-0303 [www.joycemeyer.org](http://www.joycemeyer.org)

Joyce Meyer Ministries—Canada  
Lambeth Box 1300  
London, ON N6P 1T5  
Canada  
1-800-727-9673

Joyce Meyer Ministries—Australia  
Locked Bag 77  
Mansfield Delivery Centre  
Queensland 4122  
Australia  
(07) 3349 1200

Joyce Meyer Ministries—England  
P.O. Box 1549  
Windsor SL4 1GT United Kingdom  
01753 831102

**tv.joycemeyer.org** сайтида Жойс Майер  
хизматини бир неча ўнлаб тилларда  
ТОМОША ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

- Сизнинг ибодатларингиз ниманидир ўзгартиришига ишонасизми?
- Ибодат вақтида ҳақиқатдан ҳам Худованд сизни эшитадими?
- Ибодатларингиз керакли натижаларни олиб келишига аминмисиз?
- Қандай ибодат қилишни аниқ биламан, деб айта оласизми?
- Ибодат орқали, Худованд билан янада чуқур ва маҳсулдор муносабатларга эришишни истайсизми?

Ибодат ҳақида шунчаки ниманидир билиш етарли эмас. Ибодатда шахсий ёндашувни топиш муҳим, чунки ҳар биримиз – ўзига хос шахслармиз. Ушбу китобда, ибодатга оид маслаҳатлар мавжуд.

Уларни ўрганиб чиқинг, ўзгаришлар сизни кўп куттирмайди. Ибодатларингизнинг самарадорлиги ошади, эркинлик ва қувонч ҳисси келишни бошлайди, Худованд билан дўстлигингиз эса, ривожланиб ва мустаҳкамланиб боради.